

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ОЪРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИСҲЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК**

**ЁҚУБОВ ИХТИЁР ҲАМДАМОВИЧ**

**“ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАОМ НОМЛАРИНИНГ  
ЭТНОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ”**

**Магистр**

**Академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**Иш кўриб чиқилди ва**

**Илмий рабар:**

**ф.ф.н.Пардаев З.**

**ҳимояга рухсат берилди.**

**Ўзбек тилшунослиги**

**кафедраси мудири:**

**Проф.Абдуасидов А.**

**Илмий раҳбар:**

**ф.ф.н.Пардаев З.**

**Самарқанд-2012**

## ДИССЕРТАЦИЙАНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

### Мавзунинг долзарблиги.

Ҳар бир халқнинг асрий тажрибасини ўзида мужассам қилган, она тилидаги лисоний бойликларни асраб қолиш, уни илмий таҳлил қилиш, кейинг авлодларга етказиш ҳозирги фан олдида, хусусан, тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги, илмий техник тараққиёти даврида, ахборот технологиялари ҳаётнинг барча соҳаларига жадал суратлар билан кириб бораётган ХХИ асрда адабий тилнинг халқ тилига, диалектларга таъсири катта бўлади. Бу, ўз навбатида, халқ тилида мавжуд бўлган баъзи воситаларнинг унутилиб кетишига, уларнинг аста-секин йўқола боришига сабабчи бўлади. Шундай лексик қатламлардан бири шубҳасиз, ўзбек тилидаги таом номларидир.

Ўзбек тилшунослигида тармоқ атамалари бирмунча ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу соҳада кўпгина номзодлик ва докторлик диссертасиялари ҳимоя қилинган<sup>1</sup>. Таом номлари ҳам баъзи ишларнинг ўрганиш объекти бўлган<sup>2</sup>. Лекин ўрганилган ишларда ўзбек тилида таом номларининг этнолингвистик томони назардан четда қолган. Ваҳоланки, ўзбек шеваларида ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган ёки маъно жиҳатдан фарқланадиган жуда кўп сўз-терминлар мавжуд. Шу боис, бу ҳудуд ўзбек шеваларидаги таом номларининг лисоний жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудидаги ўзбек миллатига мансуб халқлар етник жиҳатдан учта катта гуруҳга – қарлуқ, қипчоқ ва ўғузларга мансубдир. Ўзбекларнинг бу хилдаги учта етник гуруҳга бўлиниши, уларнинг тил жиҳатдан фарқланишига – ўзбек тилининг қарлуқ, қипчоқ ва

---

<sup>1</sup> Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида) филол. ф. доктори. дисс.–Т.: 2004.–262 б.

<sup>2</sup> Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. Дис. канд. фил. наук. Т. 1983. 168 с.

ўғуз шевалари мавжуд бўлишига сабаб бўлган. Мазкур шевалар айрим лингвистик белгиларига кўра, бир-биридан бир қадар фарқланади. Шу сабабли ҳам ўзбек шеваларидаги лексик хусусиятни ўрганиш, ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси учун қимматли маълумолар беради.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида ўзбеклар, тожиклар туркий халқ вакиллари – қорақолпоқ, қозок, қирғиз туркманлар билан ёндаш яшашади. Мазкур ҳолат ҳудуддаги ўзбек шеваларида ва халқ тилларининг таъсири катта бўлиши (жумладан тожик тилиннинг ҳам таъсири бўлиши)га олиб келади. Шундай экан, ушбу диссертацияда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ўзбек шевалари кундалик ҳаётида тайёрланадиган, тўй, байрам ва бошқа халқ маросимлари учун махсус тайёрланадиган, мавсумий яъни йилнинг маълум фаслидагина тайёрланадиган, тайёрлаш усули унутилаётган ёки масаллиғи ноёб, баъзи-баъзидагина тайёрланадиган, бетоб бўлганда ёки иштаҳаси қирқилганда шифо бўладиган таом номларини, шунингдек, сут маҳсулотлари, ширинлик, қандолат номларини тадқиқ этиш ўзбек тили луғат таркибининг унутилаётган тил элементларини, тил тарихидаги ноаниқ лексик-грамматик ҳодисаларни ўрганиш учун имкон яратади. Бу еса тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

### **Муаммонинг ўрганилиш даражаси**

Маълумки, тилшуносликда соҳа атамаларининг турли жиҳатларини ёритишга доир анчагина илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу муаммоларни тадқиқ этишда тилшунослардан Н.Дмитриев, Н.Баскаков, А.Реформацкий, В.Даниленко, Н.маматов, О.Иброҳимов, Е.Бегматов, М.Абдиев ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбек тилшунослигида пазандачилик лексикасини Н.Икромова 1983-йилда ўрганган. У асосан Тошкент шаҳри шевасидаги таом номларини ўз тадқиқотига киритган бўлса, М.Худаярова 2008-йилда “Ўзбек тилида таом номларининг лингвистик таҳлили” (Қорақолпоғистон материаллари

асосида) мавзусида номзодлик иши ҳимоя қилган. Ваҳоланки, шуни унутмаслик керакки, ўзбек тили энг кўп диалектларга ега бўлган ва кенг ҳудудга тарқалган тиллардан биридир. Шу сабабдан ҳам ўзбек тилидаги таом номларини етнолингвистикасини шунингдек, уларни маросимлар билан боғлиқ бўлган хилларини ўрганиш тил лексик таркиби, унинг Грамматик доираси ва тил тарихи учун ҳам катта аҳамиятга ега.

Таом номлари нафақат тилшуносларни, балки бошқа соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтира бошлади. Жумладан тарихчилар ҳам ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, маданиятининг ўзига олигини ўрганиш мақсадида таом номларини етнографик лексиканинг бир қисми сифатида ўрганишга интилдилар. Шундай ишлардан К.Шониёзов<sup>1</sup> ва таом номларини тарихий етнографик жиҳатдан ўрганган М.Қурбоноваларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбек таомларининг турлари ва уларни тайёрлаш усуллари бўйича оммабоп китоблар ҳам нашқ қилинган<sup>3</sup>.

### **Тадқиқотнинг мақсади**

Диссертациянинг бош мақсади: Ўзбек тилидаги таом номларини етнолингвистик жиҳатдан ўрганиш, лисоний таҳлил қилиш, бу соҳадаги берча лексик бойликларни қамраб олиш ва таом номларининг етимологиясини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Ўзбек халқи шеваларидаги таом номларини тўплаш ва етнолисоний таҳлил қилиш;
- тўпланган таом номларини маълум тизимга солиш ва мазмуний жиҳатдан тасниф қилиш;

---

<sup>1</sup> Шаниязов К. Отрадиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков – Т.: 1972.–106 с.

<sup>2</sup> Курбонова М. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларнинг анъанавий таомлари: Тарих ф.н. дисс.–Т.:1994. – 158 бет.

<sup>3</sup> Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т.: Мехнат, 1989.– 342 бет; Дўстжанов Б. Хоразм таомлари.– Т.: Ўзбекистон. 1994.– 88 б.

- Ўзбек тилида таом номларининг қадимий вариантларини топпиш ва таҳлил етиш;
- таом номларини ясалиш йўллари тадқиқ қилиш;
- таом номларининг ташқи имкониятлар, яъни ўзлашмалар ҳисобига бойиш йўллари аниқлаш;
- Ўзбек тилидаги таом номларининг бошқа тиллар – тожик, қорақолпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман тилларидаги ана шундай номларга муносабатини аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ўзбек халқи ҳаётидаги турли урф-одатлар ва халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номларини ёритиб бериш.

#### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

Тадқиқот объекти ўзбек шеваларидаги (қарлук, қипчоқ, ўқуз) таом номлари ташкил этади. Тадқиқот предмети, Ўзбек тилидаги таом номларини этнолингвистик таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ушбу диссертацияда таом номларининг этнолингвистик хусусияти илк бор ўрганилди. Таом номлари маълум системага солинди, мавзувий гуруҳларга бўлинди ва ясалиш усуллари таҳлил қилинди. Таом номлари ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларидаги таом номлари билан қиёсланди, шунингдек, қадимги ёзма ёдгорликдаги лексик бирликлар ўрганилди. Таом номлари этнолингвистик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинди. Ўзбек тилида таом номлари ҳозирги ўзбек адабий тили ва бошқа диалектларга ана шундай муносабати таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгили қуйидагилар:

1. Ўзбек тилидаги юзга яқин таом номлари этнолингвистик таҳлил қилинди;

3. Айрим халқ маросимларининг таом номлари билан аталишига изоҳ берилди.

4. Таом номларининг қисқача изоҳли лугати тузиб чиқилди;

6. мавзуни чуқурроқ ёритиш мақсадида туркей тилларга оид баъзи Интернет маълумотлари таҳлил етилди.

7шу соҳада қилинган ишларга танқидий ёнгишиб, таом номларининг етимологиясига оид янги қарашлар билдирилди. .

### **Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.**

Ўзбек тилида таом номларининг етнолингвистик таҳлил қилиниши катта илмий аҳамиятга ега бўлиб, у тилнинг лексик тизимини зарур материаллар ва адабий тил мейёрларининг янги лексик бирликлар евазига бойишини таъминлайди.

Ўзбек тилидаги таом номларини ўрганиш катта илмий аҳамиятга ега бўлиб, унинг натижаларидан регионал диалектал луғатлар тузишда оилй ва ўрта махсус ўқув юртларида лексикологияни ўқитишда, қўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдасланиш мумкин.

## КИРИШ

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “... ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики езгу фазилатлар инсон қалбига, енг аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир” дейди<sup>1</sup>. Ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, тилшунослик ҳам ўз олдига вазифалар қўйди. Табиийки, бу долзарб мавзулар тадқиқи орқали амалга оширилади.

Ҳар бир халқнинг асрий тажрибасини ўзида мужассам қилган, она тилидаги лисоний бойликларни асраб қолиш, уни илмий таҳлил қилиш, кейинги авлодларга етказиш ҳозирги фан олдида, хусусан, тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги, яъни илмий-техник тараққиёт даврида, ахборот технологиялари ҳаётнинг барча соҳаларига жадал суръатлар билан кириб бораётган ХХИ асрда адабий тилнинг халқ тилига, диалектларга таъсири катта бўлади. Бу, ўз навбатида, халқ тилида мавжуд бўлган баъзи воситаларнинг унутилиб кетишига, уларнинг аста-секин йўқола боришига сабабчи бўлади. Шундай лексик қатламлардан бири шубҳасиз, ўзбек тилидаги таом номларидир.

Тилшуносликнинг лексик системасида таом номлари алоҳида ўрин тутди. Чунки, улар ҳам лингвистик, ҳам этнографик томондан аҳамиятлидир. Бинобарин, уларни ўрганиш кўп жиҳатдан илмий аҳамиятга ега дейиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида тармоқ атамалари бирмунча ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу соҳада кўпгина номзодлик ва докторлик диссертасиялари ҳимоя қилинган. Таом номлари ҳам баъзи ишларнинг

---

<sup>1</sup> I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat –yengilmas kuch. –Т. 2008 у. 83-bet.

ўрганиш объекти бўлган. Лекин ўрганилган ишларда ўзбек тилида таом номларининг етнолингвистик томони назардан четда қолган. Ваҳоланки, ўзбек шеваларида ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган ёки маъно жиҳатдан фарқланадиган жуда кўп сўз-терминлар мавжуд. Шу боис, бу ҳудуд ўзбек шеваларидаги таом номларининг лисоний жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, сўзларнинг келиб чиқиши тарихи ўзбек ономастикасининг назарий асосларини ишлаб чиқишда таом номларининг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда таом номларининг пайдо бўлиш қонуниятларини аниқлашга алоҳида еътибор қаратилади. Таом истемол қилиш инсон ҳаётининг асосий шарт-шароитларидан ҳисобланади ва у халқ иқтисодий фаровонлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, муайян жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Таом тайёрлаш усули ҳамма халқларда жуда қадим замонлардан келиб чиққан бўлиб, унинг кейинги ривожланиши бир томондан мамлакатнинг иқтисодий ва иқлим шароитлари билан, иккинчи томондан еса жамият тарихи ва халқнинг маданий тараққиёти билан белгиланади. Худди ана шу жиҳатига кўра, етнолингвистик қадрият сифатида таом номлари алоҳида аҳамият касб этади.

Тилшуносликнинг лексикология системасида таом номларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Моҳият еътибори билан улар ҳам лингвистик, ҳам етнографик жиҳатдан объектлидир. Бинобарин, уларни ўрганиш кўп жиҳатдан илмий материаллар бериши мумкин.

Кейинги йилларда таом номлари нафақат тилшуносларни, балки бошқа соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтира бошлади. Жумладан, тарихчилар ҳам ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, маданиятининг ўзига хослигини ўрганиш мақсадида таом номларини етнографияни лексиканинг бир қисми сифатида ўрганишга

интилмоқдалар. Шундай ишлардан тарихчи К.Шониёзов ва таом номларини тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганган. Тилшунослардан Н.Икромова, М.Қурбонова, М.Худаяроваларнинг тадқиқотини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбек таомларининг турлари ва уларнинг тайёрланиш усуллари бўйича кўплаб оммабоп китоблар ҳам нашр қилинган. Бундай китобларга К.Маҳмудовнинг “Ўзбек таомлари” (1960, 1961, 1963 ) номли ИИИ жилддан иборат (жами олти юздан иборат таом номлари ва уларнинг тайёрланиш усуллари ҳақидаги) китобини келтиришимиз мумкин. Ҳозирги кунга келиб четдан кириб келган сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Бу жиҳатдан ҳам таом номларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунга келиб таом номларининг сони мингдан ошиб кетди.

Ушбу диссертацияда таом номларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида халқ маънавий ҳаёти, дунёқараши, уларнинг тайёрланиш сабаблари, етимологияси ва шу асосида номларнинг пайдо бўлиш ўрни белгилаб изоҳланган. Шунингдек, таом номлари тарихий-етимологик жиҳатдан таҳлил қилиниб уларнинг қайси тилдан ўзлашганлигига қараб турларга ажратилган ва луғавий-маъновий жиҳатдан гуруҳларга ажратилиб, фактик материаллар асосида таҳлил етилган.

“Таом номларининг этнолингвистик хусусиятлари” деб номланувчи ушбу диссертация III бобдан иборат I боб “Таом номларининг пайдо бўлиш қонуниятлари” деб номланади унда таом номлари пайдо бўлишига кўра турларга бўлиб ўрганилган. Хусусан, таом номларининг тарихий катламлари, сўз маъноларининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган таом номлари таҳлил қилинган. II боб “Таом номларининг луғавий маъновий хусусиятлари” деб номланган ва морфологик, лексик, лексик-семантик усулда пайдо бўлган таом номлари ва сўзларни қўшиш натижасида (компазицион усулда) пайдо бўлган таом номлари ўрганилган. III боб эса

“Таом номларининг этнолисоний таҳлили” деб номланган. Унда халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номлари, маросим асосида вужудга келган таом номлари, таом номи асосида вужудга келган маросим номлари, мавсумий таом номлари, урф-одат билан боғлиқ ҳалда тайёрланадиган таом номларига ажратилиб ўрганилган. Бу еса ўзбек тили таом номларининг ясаиш хусусиятлари, лингвистик таснифи керакли самаралар бериши шубҳасиз. Шу билан бир қаторда, миллий қадриятларимизга нисбатан ўзига хос муносабат эканлигини ҳам алоҳида таъкидламоғимиз керак.

## I БОБ

### “Таом номларининг пайдо бўлиши қонуниятлари”

Маълумки, ўзбек тилида таом номларининг лисоний хусусиятлари ва уларнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган бир қанча илмий изланишлар таҳлил етилган. Бу борада ўзбек тилшунослигида номзодлик ишлари ҳам қилинган. Аммо таом номларининг пайдо бўлиш қонуниятлари уларнинг келиб чиқиш сабаблари бу ишларда ёритиб берилмаган.

Таом инсон ҳаётининг асосий шарт-шароитларидан ҳисобланади ва у халқ иқтисордий фаровонлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, муайян жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Таом тайёрлаш ҳамма халқларда жуда қадим замонлардан келиб чиқган бўлиб, унинг кейинг ривожланиши бир томондан мамлакатнинг иқтисодий бир томондан еса жамият тарихи ва халқнинг маданияти тараққиёти билан белгиланади. Худди манашу жиҳатдан этнолингвистик қадрият сифатида таом номлари алоҳида аҳамият касб етган.

Таом номларининг пайдо бўлиши, тараққиёти, қўлланилиш доираси ва истеъмолда бўлиш даври тарихан ўзгарувчандир. Ижтимоий ҳаётнинг, халқ турмуш тарзи ва ишлаб чиқариш қуроллари, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши билан тармоқ лексикалари ҳам ўзгариб боради. Айримлари бутунлай истеъмолдан чиқади, баъзилари тарихий сўзларга айланади, айримлари маълум фонетик ва маъно ўзгаришлари билан қўлланишда давом етиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, тилшуносликнинг лексик системасида таом номлари алоҳида ўрин тутди. Чунки, улар ҳам лингвистик, ҳам этнографик томондан аҳамиятлидир. Бинобарин, уларни ўрганиш кўп жиҳатдан илмий аҳамиятга ега дейиш мумкин. Таом номлари қайд етилган дастлабки манбалар сирасига бир қатор ёзма ёдгорликлар кирази. Булар

орасида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ўзига хос манба ҳисобланади.

Ушбу бобда “Девону луғотит турк” ва боҳсқа ёзма ёдгорликлар материалларда учрайдиган таом номлари ҳақида дастлабки кузатишлар натижаларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

“Девону луғотит турк”, биринчи навбатда, туркий уруғ ва қабилалар тилларининг хусусиятларини, урф-одатларини, лингвистик хусусиятларни, тарихи ва луғат бойлигини ўрганишга бағишланган асар. Шунинг учун ҳам асар мундарижасида қатор лингвистик маълумотларга кенг ўрин ажратилган. Булар сирасига тиллараро фонетик фарқлар, сўз ясалиши, ёзув ва бошқа қайдларни киритиш мумкин. Асарнинг луғат қисмида еса жуда кўп жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган унинг қомусийлик даражасини таъминлаган материалларга ўрин берилган. Улар турли халқларнинг тарихи, урф-одати, адабиёти ва бошқа соҳаларини ўрганишимизда ишончли манба сифатида характерланади. Бу хусусият таом номларига ҳам даҳлдордир.

Асар материаллари кузатилиши натижасида юзга яқин номлар тнлаб олинди ва улар К.Маҳмудовнинг “Ўзбек таомлари” китобида қайд этилган 21 та турнинг айримларигагина хос еканлиги аниқланади. Шунга кўра, биз ушбу ишда уларнинг лингвистик хусусиятини инобатга олган ҳолда куйидагича гуруҳлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Таом номлари:

а) кундалик турмушда одатий тарзда тайёрланадиган таом номлари: бун-шўрва (ўғиз, қипчоқ, суворин тилларида)<sup>1</sup>. Бўшқал-лочира (ҳоқонияликларда). Лочира ҳозирги ўзбек тилида ачирилмаган ҳамирдан тандирга ёпиладиган нон. Лочира одатда, нон ёпиладиган нонлардан

---

<sup>1</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Т. – 1960. – I том, 17, 67 бетлар.

олдин биринчи ўринда тандирга ёпиб олинадиган нон бўлиб, ўзбек халқида қадимдан тайёрланиб келинади.

б) Бирор махсус маросим билан боғлиқ таом номлари: Басан-ўлик кўмилгач ейиладиган таом<sup>1</sup>. жуғ – ўлгандан сўнг бериладиган овқат<sup>2</sup>. Шунингдек асарда таом тайёрланадиган сабзавот ва масаллиқ номлари ҳам берилган: Жамғур- шолғом, жаш- сабзавот, үз – ёғ, кучғанди- пиёз.

с) Таом тайёрлашда ишлатиладиган нарса-предмет номлари: Аўран-темирчи ўчоғининг кўрасига ўхшатиб қўйилган ер тандир, ашич-буқач – қозон товоқ, жасғач- увра тахта<sup>3</sup>.

д) Таом тайёрловчи касб-корига алоқадор номлар: *Чалчи*- ошпаз ва ҳоказо.

Кўринадики, “Девону луғотит турк”да учрайдиган таом номлари лингвистик хусусиятига кўра ўзига хос бўлиб, улар етимологик нуқтаи назардан ҳам кенг таҳлил етилмоғи лозим. Бироқ, бу ишни амалга ошириш осон эмас. Негаки, ҳозирча ўзбек тилидаги ягона манба ҳисобланувчи “Ўзбек тилининг етимологик луғати”да ҳам бу номларнинг каттагина қисми учрайди. Баъзиларининг еса бошқа маънолари изоҳланган ўринлар ҳам кузтилади. Масалан, Аш – озиқ-овқат [I, 105, 15] сўзининг изоҳи каби<sup>4</sup>.

Маълумки, таом номлари турли маҳсулотлардан тайёрланади. Масалан, сут маҳсулотларидан, гўшт маҳсулотларидан, ун маҳсулотларидан, дуккакли ўсимликлардан, баҳорий ўзимликлардан ҳамир маҳсулотларидан, тайёрланадиган таом номлари ва ҳоказо. Булар ҳам ўз навбатида турли гуруҳларга бўлиниб кетади: сутли таомлар, қиймали таомлар, ҳамирли таомлар, каби.

---

<sup>1</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Т. – 1960. – I том, 13, 139 бетлар.

<sup>2</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Т. – 1963. – III том, 11, 157 бетлар.

<sup>3</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Т. – 1961. – II том, 10, 256 бетлар.

<sup>4</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг етимологик луғат. (туркий сўзлар). Тошкент, 2000, 261 бет.

### *Сут маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари.*

Биз ушбу ишимизда сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланган туркийча таом номларнинг ўзбек шеваларида қўлланилиши, уларнинг етимологиясига кўпроқ еътибор қаратиб ёритиб беришга ҳарат қиламиз.

Сут маҳсулотларидан тайёрланадиган туркийча таом номларига қуйидагилар киради: айрон, қаймоқ, қатиқ, қимиз, қимрон, курут, қуртова.

Ёзма ёдгорликларда келтирилган таом номларини ўрганар эканмиз, баъзи таом номлар жуда қадим даврларга хос бўлиб, улар ўрнига янги номлар пайдо бўлган. Лекин, ескирган таом номлари ўша даврлар тавсиф бериш учун бадий адабиётларда қўлланилиши, тарихий солномаларда ишлатилиши мумкин. Масалан, Абу Ҳайённинг «Китоб-ал-идрок ли-лисон ал-атрак» асари луғатида *турақ* сўзи берилган бўлиб, у ачиган қуюқ сут маъносини билдирган<sup>1</sup>. *Турақ* лексемасининг маъноси ескириб, ҳозирги кунда Ўғуз ҳамда қипчоқ лаҳжасида (Самарқанд вилоятининг баъзи туманларида) *турақ//торақ* шаклида қўлланади ва сузмадан тайёрланадиган сут маҳсулотининг бир турини англатади.

Сут маҳсулотларидан тайёрланадиган яна бир таом тури *айрон* (қаттиқа сув аралаштириб тайёрланадиган ичимлик) Бу от қадимги туркий тилда *айыр* – феълидан *-а(н)* қўшимчаси қўшилиши билан ясалган<sup>2</sup>. Қўшимча қўшилгандан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида сўз бошларидаги а унлиси ä унлисига, иккинчи бўғиндаги а унлиси ä унлисига алмашган: *айир-* + *ан* = *айыран* >*айран* >*айырӓн*. Бу сўз асли “сутдан ёғ айириб олингандан кейин қоладиган суюқлик” маъносини билдирган. Бу таом тури ўзбек миллатида кўп тайёрланадиган ва севиб истеъмол қиладиган, асосан, ёз ойларида, иссиқ кунларда тайёрланадиган таом номидир.

<sup>1</sup> Фозилов Э. Шарқнинг машхур филологлари. –Т. Фан, 1971. – 67 бет.

<sup>2</sup> Э.В.Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. I. – М.: 1974. 111 с.

Қаймоқ – (туркийча сўз) сутдан ажратиб олинадиган қуюқ ёғли маҳсулот. Бу сўз ески ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган. Сут маҳсулотлари сирасига кирувчи бу таом номи қаймақ тарзида талаффуз қилинган ва ўзбекларга татар тилидан ўзлашган<sup>1</sup>. Кейинчалик ўзбек тилида биринчи бўғиндаги а унлиси ä унлисига, қ ундоши олдидаги а унлиси ä унлисига алмашган: қаймақ > қаймақ. Маҳмуд Коҳсғарий “Девони луғотит турк” асари ИИИ томимининг 115 бетида келтирилган *қаяуқланди* “қаймоқли бўлди” сўздан кўриниб турибдики, бу феъл қаюқ отидан –лан қўшимчаси билан ясалган; демак, қаюқ сўзи “қаймоқ” маъносини англатган. Қаюқ сўзини қаймоқ сўзи билан қиёсласак, ҳар икки сўзнинг ясама еканлиги аён бўлади: Масалан, қай– асосидан –(у)қ, –мақ қўшимчалари билан ясалганлиги кўриниб турибди. Шундан маълум бўладики, қадимги туркий тилда “ёғли бўл” маъносини англатган қай– феъли мавжуд бўлган. Қаймоқ таом номи ана шу феълдан –мақ қўшимчаси билан ясалган: қай – + мақ = қаймақ > қаймоқ.

Ўзбекларда кўп истемол қилинадиган сут маҳсулотларидан тайёрланадиган яна бир таом тури бу Қатиқ – қайнатилган илиқ сутга қатикдан томизғи солиб тайёрланадиган маҳсулот. Бу от қадимги туркий тилда қат– феълидан –(и)қ қўшимчаси билан ясалган<sup>2</sup>. Кейинчалик ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган, и унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолиб, қатик шаклига келган: қат– + –иқ = қатик > қатик. Қадимги туркий тилга қатик сўзи “овқат қўшиб истемол қилинадиган масаллик” маъносини англатган. Маҳмуд Коҳсғарий “Девони луғотит турк” асарида ҳам шу маънода келган. Ҳозирги маъноси маънода торайиш, хосланиш воқеа бўлиш натижасида юзага келган.

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғат. (туркий сўзлар). Тошкент, 2000, 508 бет.

<sup>2</sup> М.Коҳсғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Т. – 1960. – I том, 382 бет.

Қатик қаймоғи олиниб ёки олинмай пиширилган сугир сутига томизғи солиб ивителидиган сут кислотали парҳез маҳсулот ҳисобланади. Таркибидаги ёғ миқ-дориға қараб ёғли (3,2% сут ёғи) ва кам ёғли (сут ёғи 0,05% дан ошмайди) қатикпар бўлади. Оддий қаймоғи олиниб ёки олинмай пастеризацияланган сутга сут кислота ҳосил қиладиган стрептококкли томизғи солиб тайёрланади. Натижада сут нордон мазали, қуюқ, янада фойдалироқ неъматга айланади. Қатик киши организмда сутга нисбатан яхши ҳазм бўлади. Қатикни уй шароитида тайёрлаш учун сут қайнатилиб, кейин 30—35° гача совитилади, сўнгра ивителидиган идишларга қўйилиб, томизғи (1 литр сутга 1 ош қошиқда қатик ёки сметана) солиб аралаштириб юборилади. Идишнинг қопқоғини ёпиб, қалин қилиб ўраб қўйилади. 4—5 соатдан сўнг қатик тайёр бўлади<sup>1</sup>.

Қимиз – бия сутини чайқатиш, шопириш билан тайёрландиган шифобахш ичимлик. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли “чайқал”, “тўлқинлан” маъноларини англатган. Қум–феълидан (у)з қўшимчаси қўшилиши билан ясалган<sup>2</sup>. Қум– + уз = қумуз. Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз қимиз тарзида ҳам талаффуз қилинган. Аммо бу сўз таркибидаги и унлиси қаттиқлик белгиси билан талаффуз қилинган. Ўзбек тилига кейинги шакли етиб келиб, унинг таркибидаги и унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган ва юмшо и унлисига алмашган: қимиз > қимиз қимиз Ўзбекистоннинг баъзи (Қорақолпоқ, Қозоғистон, Қирғизистон билан чегара жойларида) тайёрланди.

Қимиз Қозоғистон ва Қирғизистон чегараларида яшовчи ўзбекларда “Қимрон” деб ҳам юритилади. Қимрон асосан қирғизча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги қимиз сўзига тўғри келади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2005, X том, 485 бет.

<sup>2</sup> Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. - 466с

Қимрон – туя сутидан тайёрланадиган қимиз. Бу от асли “қимиз билан сигир сутининг аралашмаси<sup>1</sup>” маъносини англлатган; кейинчалик ҳозирги маъносини англата бошлаган. Қирғиз тилида бу сўзнинг асосий шакли деб қимирән кўрсатилган. Изоҳлардан шу нарса аён бўладики, бу от “бир-бирига бирлашиш” маъносини англлатган қим– сўздан –(и)р қўшимчаси билан ясалган феълга –(а)н қўшимчаси қўшилиши натижасида ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, а унлиси ä унлисига алмашган, и унлиси қаттиқлик белгисини йўқотган ва юмшоқ И унлисига алмашган: (қим– + ир = қимир–) + ан = кимиран > қимран > қимрән.

Қурут – сузгани юмалоқ шаклда қурутиб тайёрланадиган ўзбекларда кўп истемол қилинадиган асосан шўр сут маҳсулоти сирасига кирувчи маҳсулот номи. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англлатган. Бу от “сув нами қочиб қуруқ ҳолатга кел” маъносини англлатувчи қури– феълдан –т қўшимчаси қўшилиши натижасида ясалган. Қўшимча қўшилгандан кейин қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғинидаги и қаттиқлик белгисини ифодаловчи унлиси у унлисига алмашган: қури– + т = қурут > қурут.

Қуртова, куртоба — қурутни қайнаган сувда езиб, айронни қайнатиб тайёрланадиган парҳез тансиқ таом. Қурут туйилиб ёки сузма ийлаб езилиб елакдан ўтказилади ва қайнаган иссиқ сувда ёғоч қошиқ билан аталаси мон масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Қозонга солиб суст оловда бир қайнатиб олинади ва еритилган сариёғ (маскаёғ) солиб аралаштирилади. Сариёғ ериши билан қозонни оловдан олиб, косаларга сузилади.

---

<sup>1</sup> Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. М. – 1965. 490 с.

Қадимда чорвадор қабилаларнинг қиш, баҳор мавсумида тайёрланадиган таоми ҳисобланган. Ҳозирги даврда асосан, наврўз байрамида, қишлоқларда тайёрланади. Қуртованинг ўзи истеъмол етилади, овқатларга қўшилади, кувда пишиб сариёғ (маска ёғ) олинади, айрон, сузма, қоқирим (гуруч пишган сувга қуртова солиб қайнатилган куруқ шўрва) тайёрланади.

Ўзбек шеваларида қўлланадиган айрим таом номлари узок тарихга ега.

Масалан, *чуре//чврек//чорак* - кичик нонни билдиради. Бу нон тури Маҳмуд Кошғарий луғатида *чўрак*, "Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия"да *шәрәк*<sup>1</sup>, «Келурнома»да *чурек*, *черж* - *уй нони* тарзида бёрилган. Ёзма ёдгорликларда қайд етилган бу нон турининг номи ўзбек адабий тилида учрамаса ҳам, бошқа умумтуркий тиллар: қорақалпоқ тилида *шврек*, туркман тилида *черек*, киргиз тилида *чурек* шаклида қўлланади. Чорак сўзини кўпчилик форс-тожик тилидан ўзлашган деб ҳисоблайди. Бу сўз асл келиб чиқиши соф туркийча сўз ҳисобланади.

Ёзма ёдгорликларда келтирилган ва ҳозирги кунда ҳам қўлланиш фаоллигини йўқотмаган таом номларига қуйидагилар киради: *ош*, *қавурмач//кувурмач*, *нон*, *патир*, *чурек*, *бўғурсоқ*, *қатлама*, *кўмоч*, *гўжа ювган ош//джавган аш*, *ярма/джарма*, *бешбармоқ*, *барак*, *айрон*, *қатиқ*, *қаймоқ*, *қимиз*, *қаз*, *талқон*, *холва* ва ҳоказолар.

Ўзбек халқи маълумки, енг қадимги туркий уруғ ва қабилалардан ўсиб чиққан, демак, унинг тили ҳам шу уруғ ва қабилалар тили негизида ривож топган. Марказий Осиёдаги турли тарихий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан, араблар, мўғуллар ва руслар истилоси, қардош қозоқ, кирғиз, туркман, тожик халқлари билан қўшничилик муносабатлари ҳам ўзбек тили тараққиётига жиддий таъсир ўтказган, бунда айниқса. туркий-

---

<sup>1</sup> Аттухфатуз закияту филлуғати туркия. –Т. Фан, 1968 – 278 бет.

араб, ўзбек-араб, ўзбек-тожик, ўзбек-қозок, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-туркман бнлингвизми каби омилларнинг роли катта бўлган<sup>1</sup>. Ана шу тарихий жараёнлар нуқтаи назаридан қаралганда. Ўзбекистонда яшовчи ўзбек шеваларидаги таом номларини қуйидаги қатламларга бўлиб ўрганиш мумкин:

*1. Умумтуркий таом номлари: атала, бўтқа, дўлма, юпқа, угра, ушоқ (ноннинг бўлаги) қази, гўжа, талқон, қимиз, қайла, атала, чалпак, қурт, қийма, бўғурсоқ, чучвара, гилминди, қирмоч, тўғрама/туврама. қовурдоқ, қймёқ, қарма, бадроқ, иримчик. қатлама. димлама, дўлма, қувурмоч, қотирма, ачиган гўжа, қақ балик,, балиқ қовурма ва хоказо;*

Биз бу таом номларининг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда азалдан тайёрланиб келинадиган нон, сумалак, палов (ош), чучвара (баъзи жойларда барак деб ҳам номланади), сомса, филминди, манти, каби хилма-хил баҳорий таомлар сирасида сумалак ҳам мавжуд. Таом номларидан бири бўлган сумалакни ўзбек халқи азалдан тайёрлаб келади. Сумалак таом номининг келиб чиқиши ҳақида турлича қарашлар бор. У одатда, баҳорда тайёрланади, Кейинги пайтларда сумалак пишириш кўпгина шарк мамлакатларида одат тусига кирди.

Мазкур сўз Маҳмуд Кошғарий таъкидлашича, сумалак ивителиган буғдой буғдой маъносидаги сўзга алоқадордир. Олим бу ҳақда шундай маълумот келтиради: Сума- ивителиган буғдой номи. Уни куришиб туюлади. Сўнг ундан угра ош, ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳ.А.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т. 2004. 2-қисм. – 53 бет.

<sup>2</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Тошкент, 1960. III том, 253 бет.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати” (туркий сўзлар)да проф. Ш. Раҳматуллаев сумалак асли сума сўзидан олинган еканлигини, ески ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи –лак қўшимчаси билан ҳосил қилинганлигини кўрсатиб, сўз шаклини сума+лак=сумалак> сумәләк. Тарзида белгилайди ва шундай хулоса билдиради: “...Бу сўз асли оз миқдорда ивигилган буғдой” маъносини англатган, ҳозирги маъноси шу маъно асосид аюзага келган”<sup>1</sup>.

Кузатишлар олимнинг мазкур еътирофлари, дархақиқат, ҳаётий асосга ега еканлигини кўрсатади. Негаки, сума сўзининг ўзи таркибига кўра туб+ясама=ясама қолипига ега. Чунки сумалак аслида сувдан ундирилган нарса асосида тайёрланган маъносини ифодалайди. Яъни қадимги туркий тилда ва умуман, тарихий луғатларда сўз етимологиясига оид фикрлар жараёнида сувнинг су шакли қайд етилади ҳамда у қадимги аждодларимизнинг дунёқарашларида жон, рух, боқийлик тимсоли, абадий тириклик нажоти, ҳаёт асоси сифатида изоҳланади. Тадқиқотларда Шаҳобиддин Сухравордий шундай изоҳ билдиргани ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, оз-сув –ма от ясовчи қўшимча бўлиб, сума-сувда ундирилган нарса (сумалак шакли келтирилган масаллиқ номи), су+ма+лак=сумалак еса сувда ундирилган нарса асосида тайёрлангантаом номи сифатида таърифланса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бундан кўринадики, сумалак лингвистик бирлигига берилган халқона таъбир – ўттиз фаришта замонлар ўзгариши, урф-одатлари, анъана ва қадриятларга илоҳийликруҳини бағишлаш, тарбиявий аҳамиятига еъриборқаратиш натижасида пайдо бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғат (туркий сўзлар). Тошкет, 2000, 306 бет.

<sup>2</sup> И.Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент, 1991. 8 бет.

Халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номларининг худудий тарқалиши бир хил эмас. Масалан, тўй маросимларида тайёрланадиган таом номларидан бири *майсўк* (сўк қовурилган тарик сариёғ ва шакар аралаштирилиб истеъмол қилинадиган ширинлик) (Қорақолпоқ ҳамда Хоразмда) никоҳ тўйи ва бешик тўйида тайёрланиб, келган меҳмонларга тарқатилади. Бу таом номи қорақолпоқлар билан ёнма-ён яшовчи туманларда (Хўжайли, Қўнғирот, Хоразм вилоятининг баъзи туманларида) мавжуд бўлиб бошқа туманларга хос эмас. Таом номлари қатламида омоним, антоним муносабатидаги номлар ҳам ўрганилди. Ўзбек шеваларида тайёрланиши бир хил лекин, таомнинг ҳар хил номланиши учрайди. Масалан, гўшциз фақат пиёздоғ қилиб тайёрланадиган таом *қора шўрва* - *пиёва* сут ва гуручдан тайёрланадиган қуюқ таом *сутгурич*, *сутпалов*, *сирбиринч*, *сутли ош* хамирдан тайёрланадиган таом *буғдой куртик*, *кулчатайлоқ*, *туппа*, *угра*, *лагмон*, *манти*, *юпқа*, *гилминди*, *угра палов*, *лахчак туппа* каби таом номлари ўзбек шеваларида бу таом номлари вариант номлар сифатида қўлланади.

Атала – унни ёғда қовуриб, кейин сув билан қайнатиб тайёрланадиган енгил ҳазм қилинадиган қуюқ овқат<sup>1</sup>. Бу от ўзбек тилида маъно тараққиёти натижасида “сууюқ нарсани чўмич билан тўлға” – маъносини англлатувчи **әтәлә** – феълидан ўсиб чиққан.

Атала — буғдой, арпа ёки жўхори унидан тайёрланадиган таом. Атала парҳез, шифобахш ҳисобланади. Касал, ҳолдан тойган, янги кўзи ёриган аёлларга атала ичирилади. Уни тайёрлаш учун қўй ёғини қозонда қиздириб, буғдой уни солинади ва қизаргунча қовурилади. Оз-оздан сув солиниб узлуксиз аралаштириб турилади. Айрим жойларда (Ургут, Тайлоқ туманида) аталага қийма, тухум ҳам солинади. Атала тайёрлашда 500 грамм ун, 100 грамм қўй ёғи, таъбга кўра туз солинади.

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 113 бет.

Бўтқа – бир неча тур донни қайнатиб пиширилган қуюқ овқат. Бу от ески ўзбек тилидаги “қориштирь маъносини англатган бот феълидан –қа қўшимчасини қўшиш билан ясалган<sup>1</sup>. Ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган. Бот-+қа = ботқа > бўтқä.

Дўлма- ток, карам баргининг қийма билан тўлдириб ўраб пишириладиган овқат. Бу от қадимги туркий тилдаги ъбирор бўшлиқни егалла” маъносини англатган. Тўл– феълининг кейинроқ юзага келган.

Юпқа – хамирни юпқа ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пишириб, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўртбурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган овқат номи<sup>2</sup>. Бу сифат қадимги туркий тилдаги “ён қўламини ингичка қилиб ёй” – маъносини англарган юб– феълидан –қа қўшимчаси қўшилиши натижасида ясалган<sup>3</sup>. Кейинчалик қ ундоши таъсирида б ундоши п ундошига, ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган: юб-+қа=юбқа>юпқä. Бу сўз омонимлик хусусиятига ега юпқа-сифат, юпқа-от. От маъно тараққиёти натижасида юпқа сифат сўз туркумидан ўсиб чиққан ва таом номи пайдо бўлган.

Угра – юпқа ёйилган хамирни 3-4 см узунликда жуда енсиз кесиб тайёрланадиган суюқ овқат. Бу от қадимги туркий тилда ъмайда” маъносини англатган ўг / ўк сифатидан –(ў)р қўшимчаси билан ясалган феълга –ä қўшимчасини қўшиб ясалган<sup>4</sup>. Кейинчалик ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: (ўг + ўр = ўгўр-) + ä = ўгўрä > угура > угрä. Ўзбек тилидаги баъзи кипчоқ шеваларда бу от уврä шаклида ҳам ишлатилади. Бунда г ундоши в ундошига алмашади: угра > уврä.

<sup>1</sup> Э.В.Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. – М. II. 1974. – 201 с.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 5 жилд, 87 бет.

<sup>3</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Тошкент, 1960. III том, 41 бет.

<sup>4</sup> Э.В.Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. – М. I. 1974. – 325 с.

Ушоқ – ноннинг майда увоқлари. Бу от қадимги туркий тилдаги “кичик бўлақларга ажра” – маъносини англаган ув– феълининг “такрор” маъносини ифодаловчи –ша қўшимчасини олган шаклидан –қ қўшимчаси билан ясалган. Ўша даврлардаёқ бу сўз таркибидаги в ундоши талаффуз қилинмай қўйилган<sup>1</sup>. Ўзбек тилида қ ундоши олдидаги а унлиси ä унлисига алмашган: (ув– + ша = увша) +қ = увшақ > ушақ > ушăқ. Ушатмоқ сўзи ҳам худди шу тариқа вужудга келган. ув– феълининг “такрор” маъносини ифодаловчи –ша қўшимчасини олган шаклидан –т орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинроқ в ундоши талаффуз қилинмай қўйган. ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган: (ув - + ша = увша-) + т = увшат - > ушат - > ушăт-.

Чалпак – хамирни юпка ёйиб ёгда пишириладиган овқат. Бу от ўзбек тилида чăл– феълининг “парчала” маъносини кучайтириш (такрор) маъносини ифодаловчи –пă қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига –к қўшимчасини қўшиб ясалган: (чăл–+ па = чăлпă–) + к = чăлпăк.

Қази – отнинг гўштини йўғон ичакка солиб тайёрладиган таом номи. Бу от қадимги туркий тилда қазы<sup>2</sup> тарзида талаффуз қилинган. Кейинчалик ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган, и унлиси қаттиқлик белгиси йўқолган: қазы>қази. Бу сўз дастлаб “қорин гўштининг киндик атрофидаги ёғли қисми” маъносини англаган ва ҳозирги маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан.

Қайла – майда тўғралган гўшт ва сабзавотни ковуриб тайёрладиган, қуюқ овқатга (Самарқанд вилоятининг баъзи туманларида суюқ овқат (Қатикли ош) таркибига солиб истемол қилинадиган таом номи. Қадимги туркий тилда қавла сўзи мавжуд бўлиб, сабзавот

<sup>1</sup> Древнетюкский словарь – Лрг. 1969. – 617 с.

<sup>2</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Тошкент, 1960. III том, 243 бет.

маъносини англлатган<sup>1</sup>. Қайла сўзи ана шу қавла сўзи таркибидаги в ундошининг е ундошида, а унлиларининг ä унлиларига алмашуви билан юзага келган бўлиши мумкин: қавла > қайла > қайла.

Қотирма//қатирма – оширилмаган (ачитилмаган) хамирдан қозонда ёғсиз пишириладиган юпқа нон тури. Бу от “қаттиқ ҳолатга кел” маъносини англлатувчи қат– феълининг –(и)р орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан –ма қўшимчаси билан ески ўзбек тилида ясалган<sup>2</sup>. кейинчалик, а унлилари ä унлиларига алмашган, и унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: (қат– і + ир = қатир–) + ма = қатирма > қанирма. Қадимги туркий тилда шундай маъно қатма сўзи билан англлатилган<sup>3</sup>. Бу сўз бевосита қат– феълидан –ма қўшимчаси қўшилиши билан ясалган. Қотирма одатда баҳор ойларида Наврўз байрами муносабати билан тайёрланади.

Қатлама – юпқа ёйилган хамирни ёғда пишириб тайёрланган нон тури. Бу от ески ўзбек тилида “қават”, “тахлам” маъносини англлатувчи қат сўзидан –ла қўшимчаси қўшилиши билан ясалган қатла– феълига –ма қўшимчасини қўшиб ясалган<sup>4</sup>. Кейинчалик а унлилари ä унлиларига алмашган: (қат– + ла = қатла) + ма = қатлама > қанләма.

Қийма – майин қилиб чопилган ёки гўштчопқичдан ўтказилган гўшт. Бу сўз асли қадимгу туркий тилда “ётиқ ҳолатда кес” маъносини англлатган қий– феълига –ма қўшимчаси билан ясалган. Бу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ИИИ томининг 188 бетиде “қийма угра” тарзида берилган. Қийма сифат сўз туркумига оид бўлиб, кейинчалик ишлатилиш доираси ўзгарган, маънода торайиш воқе бўлиб, фақат гўштга нисбатан берилган, охири отга кўчган; ўзбек тилида а унлиси

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. - 437с

<sup>2</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғат (туркий сўзлар). Тошкент, 2000, 532 бет.

<sup>3</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Тошкент, 1960. I том, 407 бет.

<sup>4</sup> Л.З.Будагов. Сравнительный словарь турецкий наречий. II том. Санктпетербург: 1971. 44 с.

а унлисига алмашган, и унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: қий– + ма = қийма > қиймә.

**2. Форс-тожик тилидан ўзлашган таом номлари:** нан, сомса, ош (палов), шўрва//шорпа, яхна, мастава, мошова, барак<sup>1</sup>, кабоб, кади шўрва, кади барак, бўза ва ҳоказо;

Ўзбек халқида энг кўп истеъмол қилинадиган таом номларидан бири нон.

Нон — қадим-қадимдан улуғланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас, азиз ҳисобланган неъмат. Турли таомларга кўшиб ёки ўзи ейлади. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш мил.дан 10—15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Бу даврларда олов кашф қилинган бўлиб, донни пишириб ейишга имконият туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг бошоқ ичида қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган. Нонга «Авесто»да деярли бир боб бағишланган, деҳқончиликнинг энг қимматбаҳо маҳсули сифатида таърифланган.

Ёрғучоқ пайдо бўлиши билан донни тош орасида майдалаб ёрма ҳолатида истеъмол қилиш ўрнига ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки кўрга кўмиб нон пиширишга ўтилган. Кейинчалк хамиртуруш кашф етилиши ҳамда ўчоқ, тандир, това ва бошқалар. Нон пишириш воситаларининг яратилиши ва такомилли билан тортилган ундан нон тайёрлаш янги, ҳозирги замонга қадар давом етиб келаётган босқичга кўтарилди. Энг муҳими, хамиртуруш билан кўпчитилган хамирдан пиширилган нон иссиқликда ва ўз бўғида пишади, пишган нонда жуда кўп майда ғоваклар ҳосил бўлади. Ноннинг ғовақдор бўлиши унинг организмда ҳазм бўлишини осонлаштиради. Бугдой ундан тайёрланадиган ноннинг кимёвий таркибида, асосан, 30—35% оқсил, 60—

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 163 бет.

70% углеводлар, клетчатка, витаминлар Б, Д, П, минерал тузлар, шунингдек, темир, калсий, фосфор ва бошқа моддалар бор. Йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, саноатнинг тараққий қилиши нон ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил етишни тақозо етди. Натижада нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар яратилди, уларнинг технологик жараёнлари юзага келди, нон саноати пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда ҳар бир мамлакатда аҳолининг тарихий маънавияти негизида пайдо бўлган нон маҳсулотларининг турли хиллари ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда (умуман, Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида) нон пишириш (ёпиш) усулининг ҳар хил турлари мавжуд бўлган. Шунга кўра, тандир нон, това нон, газ-печ нони ва бошқалар, ун тортилган ғаллага қараб буғдой нони, арпа нони, маккажўхори ва оқ жўхори нони ва бошқа бир неча турларга бўлинади.

Ўзбек пазандачилигида тайёрлаш технологиясига қараб оби нон, гижда нон, патир нон, ширмой нон. турларидан иборат (баъзан лочира нон ҳам алоҳида технологик турга киритилади;). Оби нон, (форс-тожик тилида — сувли нон деган маънони билдиради) тайёрлашда, асосан, хамир буғдой уни, хамиртуруш ва туз қўшиб оширилади. Оби нонда хамирнинг нисбатан бўшроқ бўлиши, зуваланинг кичиклиги (200 г атрофида) характерлидир<sup>2</sup>.

Тошкент шаҳрида ўзига хос обинон, жайдари нон, седанали нон, Тошкент патири, юлдузча патир, гижда патир, гўштли патир, гўштли нон, ёғли патир, жиззали патир, пиёзли патир каби нонлар ёпилади. Чирчиқ воҳаси қишлоқларида ертандир ва ерўчоқларда тайёрланадиган уй нонлари, обинон, ёнғоқ мағизли нон, лочира нонлар мазаси, тўйимлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, хоразмликларнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: VI том, 385 бет.

<sup>2</sup> Маҳмудов К. Ўзбек таомлари. – Тошкент, Фан, 1960. 282 бет.

саватдек-саватдек (доира кенглиги 0,4—0,5 м) нони ва патири, гўштли нони, обинонга ўхшаш чурраги, қорақалпоқларнинг нонлари ҳам ўзига хос шакл ва таъмга ега. Фарғона водийсида тайёрланадиган нон номлари: оби нон, оби жимжима; уй нон, кулча нон, жиззали нон, гўштли нон, ёғли нон, чап-чап нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, кашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, лўлда патир, кўшалок ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нони ва бошқалар Бухоро, Самарқанд, Сурхандарё ва Қашқадарё воҳасида (Шаҳрисабз, Китоб туманларида) тайёрланадиган нон номлари: оби, якқафо, гахсаки, нони заргарон, хиндуги, фатири кашқари, ширмоли ду-жуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиеий, пўлодий, жаззаин, кулчаи равғанин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин накшин, уй нони, кўшалок барака кулча, куёв ширмой нон, паркуп нон, кунжутли оби нон, седанали оби нон, кунжутли патир нон ва ҳоказо.

Кўринадики, Самарқанд, Бухоро, Сурхандарё, Қашқадарё воҳаларида тайёрланадиган нон маҳсулотлари асосан форс-тожик тилидан ўзлашган.

Ўзбек адабий тилига форс-тожик тилидан ўзлашган яна бир таом номи бу сомсадир. Сомса – хамирли таом турига киради. Ўзбек пазандалигида сомса, асосан, тандирга ёпиб тайёрланади. Ҳозирги кунда газ духобкаларида ҳам пиширилади. Ҳар қандай сомса тайёрлаш учун буғдой унидан хамир қорилиб, жилд тайёрланади. Гўшт ишлатиладиган сомсанинг баъзи турлари учун оширилган, баъзан еса оширилмаган хамир тайёрланади, тандирга ёпишдан олдин қизиган тандирга намақоб сепилади (айрим ҳолларда духовка ёғланади).

сомсанинг масаллиқларига қараб фар-муда сомса, гўшт сомса, варақи сомса, кўк сомса, қовоқ сомса, ялпиз сомса, картошка сомса. каби турлари бор.

Шўрва — ҳар хил сабзаводлар ва гўшздан тайёрланадиган суюқ овқат тури. Тайёрлаш усулига кўра, Шўрванинг қовурма шўрва ва қайнатма шўрва; солинадиган масаллиғига кўра шолғом шўрва, нўхат шўрва, дўлмали шўрва, вермишел шўрва, шовул шўрва, карам шўрва, каби йигирмадан ортиқ тури бор<sup>1</sup>. Қовурма шўрва — қўй ёғи кубик қилиб тўғралади ва қозонга солиб чалароқ еритилади. Гўшт бўлақларга бўлиниб, ёғ билан бирга қизаргунча, сўнгра тўғралган пиёз ва помидор қўшиб яна 7—10 минут қовурилади, картошка солиб бир-икки айлантрилади ва сув қуйилади. Сув қайнаб чиққунча қозонга туз, бир дона қизил қалампир, тўғралган укроп ва кашнич солинади. шўрва қайнаб чиққач, олови па-сайтирилиб, яна 1 соатча милдиратиб қайнатилади. Қайнатма шўрва — қўй гўшти (тўши, қовурғаси, озгина ёғи) қозондаги совуқ сувга солиб қайнати-лади. Шўрванинг кўпиги олинмайди (пиёз солингач, кўпиги ўз-ўзидан йўқолиб кетади). шўрвага пиёз билан бирга арчилган бутун сабзи, тўғралган помидор, туз ва зираворлар солинади. Ш. 40—50 мин. қайнагач, арчилган бутун картошка солинади ва олов пасайтирилиб, милдиратиб қайнатилади. Картошка пишиши билан, шўрва оловдан олиниб, дастурхонга косаларда тортилади.

Бўза<sup>2</sup> – форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, оқшоқ, тарих, арпа ва шу кабилардан тайёрланадиган кайф берувчи ичимлик ҳисобланади.

Кабоб<sup>3</sup> бу таом номи ҳам форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, “қўрада пиширилган гўшт” маъносини англатади. кабоб асосан гўштни сихга тортиб, қўрада териб, чоғ дамида пишириладиган, шунингдек,

<sup>1</sup> Қ.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т. 1989. – 256 бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 397 бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 2 жилд, 165 бет.

тандирда ёки қозонда тайёрланадиган таом номи ҳисобланади. Бу таом номининг бир нечта турлари мавжуд: жигар кабоб, лўла кабоб, тандир кабоб, қозон кабоб ва ҳоказо.

**3. Араб тилидан ўзлашган таом номлари:** *патир, ҳолва, мураббо, кабоб* каби таом номлари киради.

Патир — араб тилидан ўзлашган бўлиб, оширилмаган, кўпчитилмаган нон тури.<sup>1</sup> Ширмой патир, қашқарли патир, кўк патир, киймали патир, патирча каби турлари бор. Уларнинг ҳар бири масаллиги, тайёрланиш усули билан фарқ қилади. Тайёрланиши: илиқ сутда туз ва хамиртуруш еритилади, сўнгра кўй ёғи (ёки сариёғ) қўшилиб хамир қорилади. Хамир ошгач, 500 грамли зувалалар узилади. Зувала-дан чеккаларининг қалинлиги 3—4 см, ўртасининг қалинлиги 1 см келадиган нон ясалади, унинг юпқа жойига зич чакич урилади. Нон четлари пичоқ б-н тилиниб, нақш берилади. Ясалган патир бетига 15—20 минут дастурхон ёпиб қўйи-лади. Тандирга ёпиш олдидан олов кул билан кўмилади, намакоб сепилади. Тан-дирдан узилган патирнинг юзига еритилган думба ёғи суркалади<sup>2</sup>.

Ҳолва — ширинлик тури. Қанд ёки асадсан қайнатилган қиёмга ёғ, кунжут, ёнғоқ мағзи, бодом мағзи, ун ҳамда бошқа масаллиқлар солиб тайёрланади. Таъмини яхшилаш учун ҳолвага какао ва какао кукуни, майиз, сукатлар, ванилин, лимон кислота ва бошқалар қўшилади. Солинадиган масаллиққа кўра, ҳолванинг бодроқ ҳолва, мағиз ҳолва, ёнғоқ ҳолва. кунгабоқар ҳолва, кунжут ҳолва, ерёнғоқ ҳолва. каби турлари мавжуд. Ҳар бир ҳолва тури ўз навбатида қўшилган ёрдамчи

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 3 жилд, 237 бет.

<sup>2</sup> К.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т. 1989. – 181 бет.

масаллиғига қараб ванилин, шоколадли, витаминлаштирилган ва бошқа номлар билан аталади.

Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан ҳолвапазлик (ҳолвачилик) касби мавжуд бўлган. Йирик шаҳарларда ҳолвапазлар узум ёки тут шинниси, ун, ёғ, кунжут, ўрик ва бошқа маҳсулотлардан, кейинчалик шакар ва қанддан фойдаланиб турлитуман ҳолваларни тай-ёрлашга ихтисослашганлар.

Мағиз ҳолва тайёрлаш учун ўрик ёки бодом, писта, ёнғоқнинг мағзи қовурилиб, ёғ суртилган газ патнисга 1 см қалинликка ёйиб терилади. Қозонга шакар солиб, меъеридан ўтказиб қиём пиширилади. Қиём патнисдаги қовурилган мағизлар устига бир текисда қилиб қуйилади. Маҳсулот совигач, ўткир пичоқ ёрдамида катталиги 4x10 см келадиган бўлакчаларга бўлинади.

Айрим ҳолвалар таркибида ёғ кўп (30%) бўлгани сабабли тез бузилиши мумкин, намлиги 4%. «Лавз» ва «Тўй», «Совунак» каби ҳолва турларига кўй ва ўсимлик ёғи, ун, шакар қиём, кўпиртирилган тухум оқи ва совунак иддизи қайнатмаси қўшилади<sup>1</sup>.

Ўзбекларда ҳолва тайёрлаш қадимдан сақланиб қолинган. Бу ширинлик тури асосан, рамазон ойларида кўпроқ тайёрланади. Бундан маълум бўладигани, ҳолва тайёрлаш урф-одат қадриятларимиз билан боғлиқ ҳолда сақланиб қолинган.

Арабча сўз бўлган таом номларидан яна бири кабоб. Бу сўз кабаб(ун) шаклига ега бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ а унлиси қисқа а унлисига алмаштирилиб қабул қилинган. Кейинчалик, қисқа а унлиси о унлисига алмашиб талаффуз қилинган: кабаб > кабаб > кабоб; асли кўп маъноли кабба феълининг “айлантириб турди” маъноси билан ҳосил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2000, XI том, 373 бет.

килингаб I боб масдари бўлиб<sup>1</sup>, “сихга тортилган гўштни чўғ устида айлангириб (ағдариб) туриб пишириладиган таом<sup>2</sup>” маъносини ҳам беради. Бу сўздан ўзбек тилида кабобчи сўзи ясалган.

Ўзбекларда кўп тайёрланадиган арабча таом номларидан бири мураббо Ўзбекистонинг барча вилоят ва туманларида тайёрланади.

Мураббо — хўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик. Ишлатиладиган мева турларига қараб беҳи мураббо, анжир мураббо, нок мураббо, олма мураббо, узум мураббо, олхўри мураббо, олча мураббо, қулупнай мураббо, қовун мураббо, сабзи мураббо ва б. турлари бор.

Беҳи мураббо — беҳи 4 га бўлиниб, уруғи олиб ташланади, сўнгра уни 0,5 см келадиган тилимчалар кесилади ва қозонига солиб устидан кўмиб турадиган қилиб сув қуйилади, бир қайнаб чикқач, човли бн сузиб олинади, шарбати сузгичдан ўтказилади. Қозонга шакар солиб устидан беҳи шарбати қуйилади (1,2 кг шакарга 0,5 л шарбат) ва қиём қайнатилади. Қайнаб турган қиёмга сузиб олинган беҳи солинади. мураббо 5—6 минут қайнагач, олови пасайтирилади ва қиём қизил тусга киргунига қадар пи-шириш давом еттирилади. 1кг беҳига 1,2 кг шакар керак. Олхўри мураббо — яхши пишган олхўрининг бандларини олиб ташлаб, иссиқ сувга 5—6 мин. солиб қўйилади. Сўнгра олхўрининг бир неча ери тешилади (баъзан пичок, билан ўртасидан тилинади). Қиём алоҳида тайёрланади. Иссиқ қиёмни олхўри устидан қуйиб, 15—20 соат олиб қўйилади. Учинчи марта қиём мева бн бирга қайнатилади. 1 кг олхўрига 1,2 кг шакар, 0,5 л сув, тайёр мураббога қўшиш учун 10—15 томчи олхўри эссенсияси керак<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Т.: 2003, 192 бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 357 бет.

<sup>3</sup> К.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т.: 1989, 181 бет.

Мураббо пишириш учун қиёмнинг сифа-ти катта аҳамиятга ега. Мураббо батамом пишган бўлса, мева идиш юзасида қалқимасдан қиём ичида бир текис тарқалади, қиём еса тиниқ тусга киради, сифатли қиём томчиси совуқ сувга томизиб кўрилганда дарров ериб кетмайди. Мураббо таъми ва рангини яхши-лаш учун мевалар эссенсияси, лимон кислотаси, ванилин, заъфарон ва бошқа нарсалар солинади.

Ўзбек тилшунослигига араб тили сингари бошқа тиллардан ҳам таом номлари ўзлашган.

#### **4. Уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган таом номлари:**

Маълумки, ўзбек тилига уйғур тили яқин туради. Уйғур тилига еса, хитой тили яқинроқ шунинг учун ўзбек тилига баъзи таом номлари уйғур тили орқали кириб келган. Шундай таом номларидан *манти*, *лазмон* каби таом номларини киритишимиз мумкин.

Манти (хитойча мян — хамир, ти — гўшт) — хамир таом маъносини англатади<sup>1</sup>. Гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган таом номи. Манти учун хамир қаттиқроқ қилиб қорилади, сўнгра зувала ясаб, ўраб 10 мин. тиндириб қўйи-лади. Хамир юпка (1—2 мм) қилиб ёйи-лади. Ёйма 10x10 см катталиқда кеси-лади. манти қиймаси учун гўштнинг лаҳм қисми гўштқиймалагичнинг йирик кўзидан ўтказилади ёки майда тўғралади. Қиймага пиёз, мурч, намақоб қўшиб, яхшилаб мижиғланади. манти учун думба (чарви) ёғи бодомдай катталиқда тўғралади. Ҳар бир жилдга бир бўлак думба ва қийма солиб, манти тугилади. манти ёғланган лаппакларга терилади, сўнг сув пурқаб мантиқасқонга қўйилади ва 45 минутдан 1 соатгача буғланади. Тайёр таом ликоп, лаган ёки косаларда бетига қатиқ ёки қаймоқ қуйиб, мурч сепиб, дастурхонга тортилади. Ишлатиладиган масаллиғига кўра, мантининг

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 3 жилд, 122 бет.

қовурма манти, картошка манти, ошқовоқ манти, яхлит манти ва бошқа турлари бор<sup>1</sup>.

Манти сўзи ўзбек тилига қадимдан маълум. Дастлаб бу сўз манти тарзида, сўз охиридаги и унлиси қаттиқлик белгиси билан ўзлашган. Кейинчалик, и қаттиқ унлиси юмшоқ инлисига алмашган: ман– + ты >манты > манти.

Лағмон (хитойча «ла мян» — чўзилган хамир) — пишитилган хамир чилвир қилиб чўзилиб тайёрланадиган таом<sup>2</sup>. Хамир қорилгач (0,5 кг унга 1 стакан сув, 1 чой қошиқ туз ҳисобида), 1 соатча тиндириш учун ўраб қўйилади. Хамир муштлаб пишитилади, шу хамирдан қўлда (ёки махсус машинада) лағмон хамири чўзилади (ёки ёйилиб угра кесилади). Лағмон чилвири бир-бирига ёпишиб кетмаслиги учун юзига доғлаб совитилган ўсимлик мойи суртилади. Хамирни қайнаб турган тузли сувга солиб, сув юзига қалқиб чиққунча пиширилади. Пишган хамир совуқ сувда чайилади. лағмонга қайла тайёрлаш учун гўшт, булғор қалампири ва пиёз, сабзи, турп, карам, помидор, саримсоқ, картошка каби масалликлар тўғралади, ошкўклар, жусай майда қирқилади. Доғланган ёғда гўшт, пиёз ва саримсоқ, булғор қалампири, помидор қовурилади, турп, картошка ва ошкўкларни солиб сув қуйилади. Дастурхонга тортишда ликоп ёки косаларда хамири юзига қайла солиб сузилади. Бир чой қошиқ лозижон солинади. лағмоннинг кесма лағмон, чўзма лағмон, қовурма лағмон, шиман, шивит оши ва бошқа турлари бор.

---

<sup>1</sup> Қ.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т. 1989. – 163 бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006 3 жилд ?

**5. Рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган таом номлари:** печене (русча). пелмен (фин-угорча) уха (ҳинд-европача) котлет (франсузча), торт (итальянча), кекс (инглизча), вафли (немисча). повидилло (полякча) ва шу каби.

Таом номлари орасида умумтуркий, араб, форс-тожик, рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган номлардан ташқари, уларнинг бўлакларидан бири ёки ясовчиси бошқа-бошқа тиллар материаллари бўлган номлар ҳам анчагина қисмини ташкил қилади. Уларнинг тузилиши қуйидаги қатламлардан иборат: умумтуркийча+форс-тожикча: чалов, сутгурич, олмақанд, осма шўрва. балиқ, шўрва, соли шовла, кўк сомса, қовоқ сомса, кўк барак, айронли мошова каби; умумтуркийча+арабча: кўк патир, қавун мураббо, олма мураббо каби; умумтуркийча-хитойча: қовоқ манти, ичак-қаринли манти каби; форс-тожикча умумтуркийча: кади манти, кади қувурдоқ, нон талқон, гўш қувурдоқ, яхна қўй, кади қарма, каби; форс-тожикча ясовчиси умумтуркийча+умумтуркийча: пиязли қатлама, гўштли манти, шалғалмли димлама, шўрвали қувурдоқ каби; русча+умумтуркийча: картошка қувурдоқ, картошка димлама, карам қовурдоқ, макарон қовурдақ каби; русча+ форс-тожикча: помидор нон, картошка сомса, карам шўрва духобка нон духобка сомса каби.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, бундай сўзлар, ўзбек тили қонун-қоидаларига фонетик ва грамматик жиҳатдан ўзлашиб, ўзбек тилининг ўз сўзлари каби таассурот қолдиради. Уларнинг келиб чиқиши илдизларини билиш учун махсус етимологи изланишлар олиб боришга тўғри келади. Халқ еса, бу сўзларни аниқ тушунади ва уларни ўзларининг тил алоқаларида фаол қўллайди.

Ўзбек шеваларидаги таом номларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу номлар адабий тил элементлари ёрдамида ҳам, умумхалқ тили ва диалектал тил бирикмалари иштирокида ҳам тузилиши мумкин.

Шу маънода улар ўзбек тилининг барча соҳалари лисоний материали иштирокида майдонга келади ва ўзбек тилининг турли жабҳалари тармоқлар билан алоқаси яққол сезилиб туради.

Ўзбек шеваларидаги таом номларининг ўзбек адабий тили, ўзбек умумхалқ тили доирасидаги ўрни ва мавқеини аниқлаш, унинг адабий тилдаги вариантларига муносабати ёки фақат диалектал вариантларини таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб етадики, у лексикология, фразеология, тил тарихининг кўпгина масалаларини ечиш имконини туғдиради.

Таом номларининг лексик-семантик гуруҳлари ва номинатив ўзига хослиги, услубий хусусиятларининг ҳудудий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тилнинг луғат бойлигини тизим (система сифатида ўрганишда лексемаларнинг гипо-гиперономик муносабатларига таяниш муҳим аҳамияга ега. У табиат ва жамиятдаги нарса-предметларнинг воқеа-ходисаларнинг тилдаги номлари бўлган лексемаларнинг маъноларини ва шу маънолар орқали борлиқдаги нарса-ходисалар ҳақидаги тушунча-тасаввурларни умумлаштириш ва фарқлаш имконини беради

Таом номларининг қандай масалликлардан тайёрланиши ва шунга мос равишда улар турли гуруҳларининг ҳар хил номлар билан аталиши, ўзига хосликлари, бир ҳудуд аҳолиси билан бошқа бир ҳудуд аҳолиси тилида катта фарқларга ега. Бу ўша ҳудуд аҳолисини турмуш тарзининг, ҳудудда етиштириладиган ўсимлик ва ҳайвонот, зироатларининг халқ маиший ҳаётига таъсирининг ва пировардида уларнинг тилига, хусусан, таом номларига таъсирининг натижаси сифатида юзага келади.

## II БОБ

### “Таом номларининг луғавий маъновий хусусиятлари”

Ўзбек тилшунослигида таомлар пайдо бўлишига кўра махсус турларга бўлиб ўрганилмаган. М.Худаярова ўзининг “Ўзбек тилида таом номларининг лингвистик таҳлили (Қорақолпоғистон материаллари асосида)” номли номзодлик диссертациясида сўз маъноларининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган таом номлари, морфологик усул билан ясалган таом номлари, синтактик усул билан ясалган таом номлари, семантик усул билан ясалган таом номларига ажратилиб ўрганган. Лекин ўзбек тилига мансуб таомларга хос лексик қатламнинг озиқланиш манбаалари, таом номларининг турли тушунча ва тасаввурларни ифодалаш, урф-одатлар билан боғлиқ таом номлари, маросим асосида вужудга келган ёки таом номи асосида вужудга келган маросим номлари билан боғлиқ, лексик-семантик, хусусиятлари очиқ берилмаган.

Ўзбек шеваларида туб сўз шаклидаги таом номлари қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргача қўлланиб келмоқда. Уларда ясама сўзлик ҳолати кузатилмайди: масалан, *нон*, *патир//нетир*, *палов//палав*, *шовла//шевле* *гўжа//гўдже* *зоғора//зағара*, каби. Ҳозирги давр нуқтаи назардан баъзи туб сўз ҳисобланган таом номлари тарихан ёки диахроник планда ясама сўз бўлган бўлиши мумкин: масалан, *бўғурсоқ*, *барак*, *қимиз*, *чалпак*, *қаймоқ*, *сумалак*, *мастава*, *манти*, *сомса*, *барак*, каби. Бу таом номларининг кўпчилиги тарихан диахроник планда ясама от шаклида юзага келган бўлса ҳам, уларнинг ясамалиги ҳозирги давр нуқтаи назардан сезилмас ҳолга келиб қолган. Ўзбек тилида таом номлари турли хил йўллар билан ясалган шулардан енг сермахсул ясалиш усулларида бири морфологик усул.

Морфологик усул билан ясалган таом номлари айниқса, ўзбек шеваларида қўшимча қўшиш орқали ясалган таом номлари кенг ўрин олган. Морфологик усул билан ясалган таом номларида уларнинг қандай усулда тайёрланганлиги, нимадан тайёрланганлиги, қаерга ва нимага нисбат берилиши каби маънолар англашилади. Булар жумласига -*ме/ма*, -*мы*, <*оч*, -*қ(-иқ)*, -*мақ/мек*, -*миш*, -*дак*, -*она*, -*доқ*, -*ма* каби аффикслар киради. Улар таом маъносини билдирувчи номлар яшашда фаол иштирок этади.

-*ме/ма* аффикси энг қадимги даврлардан ҳозиргача таом маъносини билдирувчи номлар ҳосил қилишда энг фаол ҳисобланиб, бу қўшимча қадимда XII аср ёзма ёдгорликларида ҳам таом номлари ясалганлигини кўриш мумкин. Масалан: Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида *сузма*, *қатма*, *булгача*, *узийтма*, Алишер Навоий асарларида: *Ва камизни ва сузмани*, *ва бохсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар*, *ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатламани ва буламоғ ва қурут ва улобани ҳам туркча айтурлар* каби таом номларининг учраши, бу қўшимчанинг туркий халқлар тилида энг қадимги шакл сифатида қўлланилиб келаётганлигини кўрсатади.

-*ме/ма* аффикси орқали ясалган таом номлари қандай усулда таом тайёрланишини таомларнинг товушга тақлид сўздан ҳосил бўлишини, мўлжадланганлик белгисини билдирувчи каби маъноларни билдиради. *Қотирма // қатырма*, *димлама//димлеме*, *қовурма*, *қайнатма шўрва//қайнатма шўрва*, *узма//узма*, *сузме//сузма*, *қатлама//қатлеме*, *тўграма/туврама*, *кўзача//вагача* каби.

-*моч//мач* аффикси ҳозирги даврда таом номларини билдирувчи сўзлар яшашда катта ҳисда қўшимчадир. Унинг қўлланиши ва сўз яшаш доираси кўпроқ тил тарихи ва унинг қадимги даврлари билан боғлиқ. Бу

кўшимча билан ясалган таом номлари тилимиз тарихига оид ёзма ёдгорликларда учраиди: *тутмач*, *қағурмач*<sup>1</sup>, *қовурмоч*<sup>2</sup>, *базламач*<sup>3</sup> каби.

Биз ушбу ишимизда ўзбек миллий таомларидан айримларининг ясалишига тўхталамиз.

Ўзбекларда кўп истемол қилинадиган таомларидан бири бешбармоқ<sup>4</sup> бўлиб бу таом асосини гўшт, думба, тўртбурчак шаклда кесилган юпқа хамир ташкил этадиган қуюқ овқат турига мансуб таом ҳисобланади. Беш сўзига бармоқ сўзининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Бу таом номи инсон аъзосининг таом номига кўчиши натижасида вужудга келган.

Бу от бешбармоқ бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган. Ушбу таомга ном уни истемол қилиш усули асосида берилган. Чунки, лаганда таом бармоқлар билан олиб ейилади. “Навоий асарлари луғати”да беш сўзининг бир нечта маънолари берилган. Шу маъноларидан бири беш сўзи *кўп*, *ортиқ*, *зиёд* каби маъноларни англатади<sup>5</sup>.

Бармоқ сўзи еса, инсон танасининг бир қисми ҳисобланади. Бу сўз панжа деб ҳам юритилади (бешпанжа, бешбармоқ). Демак, бешбармоқ таом номи композицион усул билан ясалган бўлиб, Беш сўзига бармоқ сўзининг қўшилиши натижасида бешбармоқ сўзи ясалган. Қўшма сўз ясалиши учун асос бўлган бу қисмлар ўзининг дастлабки маъносини қисман ёъқотади, иккала сўз биргаликда бошқа янги лексик маъно англатади: беш+бармоқ=бешбармоқ.

Ясама таом номларида яна бири Қовурдоқ – ҳар хил масаллаикларни ковориб тайёрланадиган таом<sup>6</sup>. Бу сўз асли туркийча сўз бўлиб, *қовур*

---

<sup>1</sup> М.Кошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. Тошкент, 1960. I том, 454 бет.

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. – Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – 135 бет.

<sup>3</sup> М.Ё.Чигий. Келурнома. – Т. Фан, 1982. – 95 бет.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 245 бет.

<sup>5</sup> Навоий асарлари луғати. – Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – 114 бет.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 5 жилд, 320 бет.

буйруқ майлидаги феълга *-доқ* қўшимчаси қўшилиши натижасида юзага келган. Тилшуносликда бундай ясалиши аффиксация усули билан сўз ясалиши ҳисобланади. Қовурдоқ гўштни, кейин унга пиёз, картошка каби сабзавотларни қўшиб яхшилаб қовуриб, озроқ сув қуйиб димлаб пишириладиган қуюқ овқатлар турига кирувчи таом номи ҳисобланади. Бу от қадимги туркий тилда “қизитилган ёғда пишир” маъносини англатувчи *қоғур* феълнинг ески ўзбек тилида “такрор” маъносини ифодаловчи *-да* (<*-ла*) қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига *-қ* қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик *о* унлиси *â* унлисига, учунчи бўғиндаги *â* унлиси *к* ундошининг таъсири билан *а* унлисига алмашган: [*қоғур - + да* (<*ла*)=*қоғурда-*] + *қ* = *қоғурдақ* > *қâвурдâқ*<sup>1</sup>.

Бу каби таом номларининг ясалишини коълаб келтиришимиз мумкин.

Кўринадики, ўзбек тилида таом номлари лингвистик хусусиятига кўра ўзига хос бўлиб, улар етимологик нуқтаи назардан ҳам кенг таҳлил етилмоғи лозим. Бироқ, бу ишни амалга ошириш осон емас. Негаки, ҳозирча ўзбек тилидаги ягона манба ҳисобланувчи “Ўзбек тилининг етимологик луғати”да ҳам бу номларнинг айримларигина учрайди. Баъзиларининг еса бошқа маънолари изоҳланган ўринлар ҳам бор. Лекин етарли даражада емас. Биргина К.Маҳмудовнинг “Ўзбек таомлари” 1960 китобида 400 дан ортиқ таом номлари қайт етилган. Ҳозирги кунга келиб таом номларининг сони бундан икки баравар ошиб кетди. Буларнинг етимологиясини топишда бизга Ш.Раҳматуллаев каби олимлар етимологик луғатлар яратишда тўхтамаслик керак.

Ўзбек адабий тилидаги баъзи шеваларда кўп қўлланадиган *-ж*, *-қ*(*-иқ*). *-мақ*(*-мек*). каби аффикслар ёрдамида ясалган таом номлари ҳам

---

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг етимологик луғат (туркий сўзлар). Тошкент, 2000.– 558 бет.

учрайди: Масалан, *иримчик*, *жизза//жыззык*, *қувурмач//қовурмоч*, *қуймоқ//қуймақ*, каби.

Турколог олим Е.В.Севортян "*иримчик*" сўзи кипчоқ гуруҳига мослигини, *ири-* ўзаги *йири-* билан бир ўзакка ега еканлигини, *ири* сўзи иримоқ, сузмага (творогга) айланмоқ маъноларини билдиришини, *ири-* феълига *-м* шахс-сон қўшимчаси, *-чик* кичрайтириш аффикси қўшилганини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Юқоридаги ясама асосли таом номларининг ясалиш хусусиятига кўра айтиш мумкинки, ўзбек шеваларида туркий қатламга оид кўринишларга ега бўлган таом номлари кўп қўлланилади. Форс-тожик тилига хос ясалган (*-и*, *-хўр* *-она*) таом номлари ўзбек тилида кам учрамайди.

Таом номлари қайд қилинган ёзма ёдгорликлари сирасига "Бобурнома" асари ҳам киради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари туркий тилларнинг ифода имкониятлари акс етган қомусий манба ҳисобланади. Унда ўзбек тили тарихига оид муҳим хусусиятлар акс етган. Асардаги лексемалар таҳлили сўз етимологияси, семантик таркиби, тарихий кўринишларини аниқлашда ўзига хос қиймат касб этади. Тарихий сўзлар маъно-мундарижасидаги ва фонетик таркибидаги ўзгаришлар ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёслаганда яққол намоён бўлади.

Биз ушбу ишимизда "Бобурнома" асарида берилган бази таом номларини ясалиш хусусиятларини кўриб чиқамиз. Асар материаллари кузатилганда қуйидаги таом номлари ва таом номлари билан боғлиқ архаизм атамалар келтирилганлигини кўришимиз мумкин:

---

<sup>1</sup> Э.В.Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. – М. 1974. – 373 с.

Маунот - "тириклик учун керакли нарсалар", "озик-овқат". Яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк салотинининг жами мауноти — кадимдан муқаррар ва муайян танлари паргана бордурким, ўзга терга асло харж бўлмас. Моҳазари — "керак вақтида такаллуфсиз пайдо бўладиган озгина овқат", мазкур сўз отлашиш натижасида сифатловчидан сифатланмишга айланган ва нарса (таом) номи тарзида шаклланган. Юмдон оши — "юмшоқ қилиб пиширилган, дори ўрнида истеъмол қилинадиган бир хил ош". Бир оёғ юмдон оши келтурди, интим. Шилон/шулон — "умумий овқат, подшоҳ зиёфати", "ҳукмдорлар ўртасида ва хонақоҳда кўпчиликка бериладиган ош, умумий зиёфат". Шилони ва саховати яхши еди. "Санглоқ"да шилан шаклида келтирилиб, "султон ва амирлар ейдиган овқат" маъносида изоҳланган. "Бобурнома"даги айрим таом номлари халқ турмуш тарзи, дунёқараши борасида яққол тасаввур уйғотади. Бобур Кобул (ҳижрий тўққиз юз йигирма бешинчи йил) воқеаларини тасвирлар экан, қуйидагича ёзади: *"Ўша ерда йилқирон ошини торттурулди"*<sup>1</sup>.

Ушбу жумладаги йилқирон оши — "вабо, ўлат йилларида қилинадиган худойи ош" маъносини ифодалаган йил ва қирон компонентларидан иборат. Йилқирон қўшма сўзи "қирон келган йил" тушунчасини ифодалайди, бу сўз ески ўзбек адабий тилидаги бошқа манбаларда кузатилмайди. Сўз таркибидаги қирон сўзи "ўлат, ют(?) ва жанг натижасидаги қирғин" маъносида изоҳланган. Қирон - "қўплаб, ёппасига қириш" маъносидаги сўз бўлиб, ески ўзбек тилидаги қыр феълининг «ёппасига ўддирмоқ» маъносидан -(а)н қўшимчаси орқали ясалган. Йилқирон оши, даставвал, вабо, ўлат йилларида қилинган ва халқнинг шу балолардан халос бўлиш умидини ифода етган. Кейинчалик, бало ёки қирон(нинг) келишидан сақлашни сўраш маросимига айланган

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. 1985. – 289 бет.

("Бобурнома"да шу маънода қўлланган). Сўзнинг функционал -семантик таркибида ўзгариш рўй берган. Сўз таркибидаги қирон "маълум бир муддат" тушунчаси билан боғлиқлиги боис, вақт-замон маъноси ифодаланган. Йилқирон сўзи маъносида «ошнинг нима учун (нима сабабдан) тортилаётгани» дастлабки еътиборда туради. Худойи сўзида, таомнинг худо йўлига бағишланганлик маъноси устун. Худойи вақт тушунчаси билан боғлиқ емас. Йилқирон халқнинг муайян тарихий вазиятлардаги қарашлари, урф-одат, маросимлари ҳақида тасаввур беради.

"Бобурнома" тилидаги бир қатор сўзлар архаизмга айланган. Бундай сўзлар табиатини қуйидаги мисоллар асосида изоҳлаш мумкин: *Илик* архаик сўз бўлиб, "қўл" маъносини билдирган. Иликдан ясалган иликла феъли "егалламоқ" маъносида келган. ...Беклар, йигитлар била илғор тайин қилдукким, бориб Ёр яйлоқ кўрғонларини сўз била ё зўр била иликлагайла... Чарга, жарга — доира", "ҳалқа", "ўров" чаргаламоқ ", "айланмоқ". Алишанглик чарга қилиб, тоғдин кийикни индурдилар. Кўчма маънода ҳам қўлланган. Ўшал тақсир қилганни муча чаргасидин узатиб, вилоят ва парганасидин йиратқайбиз. Муча — "амал, мансаб" бўлиб, муча чаргаси — "амал доираси" тушунчасини ифода этади. Чена — "ҳисобламоқ". Ҳозир черикини бир лак ченарлар еди. Озирған — "кам кўрмоқ" маъносини ифодалаган. Балхни озирғанса, арзадошт қилинг... Орқалан — "орқа қилмоқ". Не учунким, Танбални орқаланиб манга ва манинг давлатхоҳларимға жафо ва азоблар қилур еди. Оғизла — таом емоқ. Яна баъзиларни оғизлағани чорлар...; Чебур/чевур — "ўрамоқ, камамоқ". Бир тиргаз отими чевуруб бормоқ керак<sup>1</sup>.

Кўринадики, "Бобурнома"да учрайдиган таом номлари ва таом номлари билан боғлиқ атамалар лингвистик хусусиятига кўра ўзига хос бўлиб, улар етимологик нуқтаи назардан ҳам кенг таҳлил етилмоғи лозим.

---

<sup>1</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. 1985. – 293 бет.

Бирок, бу ишни амалгам ошириш осон емас. Негаки, ҳозирча ўзбек тилидаги ягона манба ҳисобланувчи “Ўзбек тилининг етимологик луғати”да ҳам бу номларнинг каттагина қисми учрайди. Баъзиларининг еса бошқа маънолари изоҳланган ўринлар ҳам кузтилади. Масалан, Аш – озиқ-овқат<sup>1</sup>.

Лекин “Ўзбек тилининг етимологик луғати” китобида “Бобурнома”да учрайдиган таом номларининг ҳаммаси ҳам берилмаган. Таом номларининг етимологик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни қайси тиллардан ўзлашганлиги, ясашиш хусусиятларини аниқлаш учун бизга етимологик луғатлар керак. Бу еса ундаги сўз\терминларни аниқлаш ва соҳалар (шу жумладан соҳа тармоқлари) бўйича таснифлаш зарурлигидан далолат беради.

Синтактик усул билан ясалган таом номлари ўзбек тилида енг кўп, енг фаол қўлланилади. Ўзбек тилида таом номлари ҳосил бўлишида синтактик усул морфологик усулга нисбатан кўпчиликини ташкил қилади. Синтактик усул билан ясалган таом номларини ташкил етган компонентлар семантик, грамматик ва интонасион жиҳатдан бирикиб, яхлит лексик бутунликка айланиб кетганларъ<sup>2</sup>.

Таом номлари икки ёки ундан ортиқ компонентларнинг ўзаро бирикиб келиши орқали ҳосил бўлади. Масалан. *палов* номи бирор сўзни кўшиш йўли билан паловнинг турларини ифода қилувчи таом номларига асос бўлиши мумкин: *сузма палов*, *буғдай палов*, *ичак-қорин палов*, *тухумли палов* *қўй гўштли палов*, *сузма палов*, *угра палов* *Хоразмча палов*, *Фарғонача палов*, *маяк палав* (*қорақолпоқларда*) ва хоказо.

Таъкидлаш керакки, миллий таом турларидан бири палов баъзи жойларда ош деб ҳам юритилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида

---

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг етимологик луғат (туркий сўзлар). Тошкет, 2000, 261 бет.

<sup>2</sup> А.Ҳожиев. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Т. 1963. – 13-17 бетлар.

тайёрланади ва севиб истемол қилинади. Палов қадимдан Оърта Осиёнинг ҳар қандай тўй, сайл, байрам ва меҳмондорчиликларида тайёрланиб келинган. “Пишириш усулининг хилма-хиллигига ва ишлатиладиган масаллиғининг турига қараб паловнинг 40 дан ортиқ тури бор. Масалан, коворма палов, ивитма палов, майизли палов, бедана палов, қазии палов, беҳили палов, пўстдумба палов, каваток палов, саримсоқ палов, тўғрама палов, зиғир ёғли тухум палов, тўй палов, қийма палов ва бошқалар. Паловнинг софаки палов тури Самарқанд вилоятида тайёрланади, қорма палов Қашқадарёда, сузма палов Хоразмда, угра палов Сурхандарёда тайёрланади. Паловнинг енг кўп тайёрландиган тури коворма (Фарғонача) паовдир”<sup>1</sup>.

Палов тайёрлаш ўзбеклар ўртасида, айниқса, еркаклар (йигитларга) хос фазилат ҳисобланади.

Ўзбек шеваларида синтактик усул билан ясалган *сомса* таом номини ҳам келтиришимиз мумкин. Сомса ўзбекистоннинг барча вилоятларида тайёрланади. Бу таом номини кўплаб турлари учрайди: Масалан, Тандир сомса, тўғрама сомса, полвон сомса, кўк сомса, пиёзли сомса, гўшти сомса, тухумли сомса, жигар сомса каби. Жой номлари билан боғлиқ сомса турларига: Жиззах сомса, Ургут сомса, Кўприк сомса, каби жой номлари билан боғлиқ таом номлари ҳам бирмунча ном ясалишига хизмат қилиши мумкин. Бу ҳол кўпроқ бирикма типигади таом номларининг кўпайиши учун замин ҳозирлайди. Шу сабабли ҳам бизнинг материалларимизда бирикма типигади таом номлари асосий қисми ташкил қилади.

Шундай усулда ясалган сомса турига варақи сомса сомсалар ичиқа алоҳида ўринга ега. Варақи сўзи аслида хамирни варақ шаклида қават-

---

<sup>1</sup> К.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т. 1989. – 189 бет.

кават қилиб тахлаш<sup>1</sup> маъносини англатади ва сомса хамирининг варақ шаклидалигини билдиради.

Бу каби таом номларининг қанча сўздан ташкил топиши, боғланиш усуллари, компонентлари орасидаги муносабатлар ранг-баранг бўлиб, ўзбек тилида сўзларнинг боғланиши қонуниятларини тўла акс еттиради.

Икки компонентли бирикмадарнинг типик кўриниши кенг маънода атрибутив бирикмалардир<sup>2</sup>. Бу бирикмалар таом номи ҳосил бўлиш функциясида енг кўп қўлланувчи ва енг қулай бирикмалардир.

Ўзбек шеваларида синтактик усул билан ясалган таом номларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргаиш мумкин:

*Содда таркибли (икки сўздан тузилган) таом номлари.*  
От+от типида ясалган таом номлари: *уграош, уноши, сирбиринч//сутбурунч, мошпалав, нон талқан, ёнгоқ талқон, нон шўрна, бугдой палав, кади барак номи билин боғлиқ таом номлари гўш барак, юмурта барак, кўк барак, кўк сомса, думма барак, қовоқ манти, қовоқ сомса, қовоқ шўрва, бугдой қувурмоч, жўхори қувурмоч, гўш қувурдоқ, юмурта қувурдоқ//тухум қовурдоқ, кади қувурдоқ, кади шорва, кади манти, балиқ кабоб, балиқ шўрва, балиқ қовурма, балиқ димлама, балиқ палав, балиқ қувирдақ, кади сомса, кади манти, гашир манти, қовун сайли, қавун мураббо, сабзи мураббо, олма мураббо, беҳи мураббо, олча мураббо* каби бирикма типидаги таом номлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг иккала қисми ҳам номинатив вазифа бажаради. Бу, бир томондан, мазкур овқат турларининг ўша нарсалар иштирокида тайёрланишини билдирса, иккинчи томондан бирламчи ва асосий таом номларининг от туркумидаги сўзлардан бўлишини, учинчидан, бу тип бирикмалар ҳосила таом номлари еканлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 441 бет.

<sup>2</sup> Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. - Тошкент, Ўқитувчи, 1995, 93 бет.

Сифат+от: бунда содда таркибли таом номининг биринчи компоненти аслий сифатдан ифодаданган бўлади. Буларга: *кок сомса, кўк барак, қотма патир, қизил патир, кўк чой, қора чой, кўк балиқ, яхна қўй, жиззали нон, қатиқли ош, сариг мой, қайлали шўрва, қайлали ош, кадили манти, гўштли нон, седанали нон* каби.

Лисоний сифатли содда таркибли таом номларида бошқа туркумлардаги сўзлардан сифат ясалади ва таомларнинг турли хилини ҳосил қилади. Бу тип содда таркибли таом номларини ҳосил қилишда қўйидаги қўшимчалар катта рол ўйнайди: *-ли* қўшимчаси: *қовақли манти, гўштли патир, пиёзли қатлама, қатиқли чалпак, қавунли чалпак, сарёгли палав, беҳили палов, фомили чой, шўрвали қовурдоқ, қовоқли манти, айронли қуртова, қатиқли қайла, гўштли сомса, пиёзли сомса, кадили шўрва, гўштли шўрва* каби; *(-ма)* қўшимчаси ёрдамида ясалган таом номлари: *осма шўрва, сузма палов, қовурма ош, , қотирма фатир* каби.

Сифатдош+от бирикмаларида ҳам таом тури ифодаланади: *дудланган балиқ, қувурилган балиқ, қувурилган тухум, ачиган гўжа, қайнатилган гуруч, тузланган картошка, қовурилган гўшт* каби.

## **2. Мураккаб таркибли таом номлари (уч ёки ундаи ортиқ сўздан тузилган).**

Бундай таом номлар ўзбек тилида кам учрайди. Фақатгина Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида от+от+от типдаги *каллабашаяҳ* таом номи учрайди. Бу таом номи бошқа диалектларда ва адабий тилда *каллапоча* тарзида жуфт сўз шаклида қўлланади. Форс-тожик тилидан кириб келган "*калла*" сўзи ёнига умумтуркий сўз бўлган "*бош*" сўзини қўшиб "*каллабашоёқъ*" деб аташади. Бу бирикмадаги *баш* сўзи ортиқча қўлланган. Бу ҳолат қўшимчаларни қўшишда ҳам кўзга ташланади. Масалан, ёгингарчилик, намгарчилик сўзларидаги форсча қўшимча *-гар* аффикси қўлланган. Яъни у *-чи* қўшимчаси билан вазифадош аммо шундай

қўлланиш адабий тил меъёри сифатида қабул қилинган. Шу сабабли *-гар* қўшимчасининг плеонастик қўлланганлиги унчалик сезилмайди. "*Каллабошоёқ*" сўзидаги плеоназм адабий меъёрда қабул қилинмаган.

Сифат ясовчи қўшимчалар бирикмаларга қўшилганда мураккаб таркибли таом номларини ҳосил қилади: *қўй гўштли сомса, мол гўштли сомса, бедана тухумли палов, қизил сабзили палов, қоқ ёриқли палав (қорақолпоқларда), қоқ ёриқли уграоши, сутли мойли қуртова, айрон чаккили қуртова, қатиқли мойли қуртова, қизил самзили шовла, сариқ сабзили шовла* ва ҳоказо.

Таом номлари орасида отли бирикмаларнинг от+сон, от+равиш, от-олмош, олмош-от типиди ҳосил қилинган бирикмали таом номлари деярли учрамайди.

Жуфт сўз типиди таом номлари ҳизирги ўзбек адабий тилида кўп учрайди аммо камунум ҳисобланади. Масазан, *аччиқ-чучук, ичак-қорин, калла-поча, жиз-биз, каби*

Ўзбек адабий тилида такрор шаклдаги таом номлари ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилиги тақлид сўзлар шаклида тузилган, лекин уларнинг тақлид сўзлиги вақтлар ўтиши билан унутилган. Бундай такрор таом номларига: *чап-чак*, (чапчак нон тури бўлиб, хамирни ёйиб нон ясалган ва чаппилатиб тандирга ёпилган бу таом номи шу тариқа тақлид сўздан ясалган. Кейинчалик, иккинчи бўғиндаги п товуши к товушига алмашган: чап-чап – чапчак) *қат-қат*, кабилар киради.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик усул билан яссиган таом номлари ҳам учрайди. Тилда мавжуд бўлган сўз маъносининг ўзгариши, лексема таркибидаги лексик маънолар орасидаги алоқанинг узилиши натижасида сўз ясаши семантик усулдир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. Ўқитувчи, 1980, 111 бет.

Ўзбек тилшунослигида пазандачилик лексикасини махсус ўрганган Н.Икромова семантик усул билан ясалган *қуштили, салла, варақи* таом номларини ўз тадқиқотида келтириб ўтган<sup>1</sup>. Бу тармоқ бўйича ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам махсус таом номлари ҳосил бўлган ва бу жараён давом етаверади. Буни Ўзбекистоннинг ўғуз шаеваларида қўлланадиган таом номлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин: *қайши печак, ажабсанда, чангалоқ барак* каби.

Ўзбек шеваларида семантик усул билан ясалган таом номларини куйидаги икки усулда ўргандик: соф семантик ва семантик-синтактик<sup>1</sup>.

Ўзбек тилида семантик усул билан ясалган таом номлари кўплаб учрайди. Биз гыриг ишимизда семантик усул билан ясалган таом номларини икки гуруҳга бўлиб ўрганишни лозим топдик:

Соф семантик усул маъно тараққиёти маҳсули сифатида янги лексемаларнинг юзага келишига семантик усул дейилади<sup>2</sup>. Бу усул билан ясалган таом номларида сўз шакли ўзгармай, фақат маъно кўчади ва айни шундай маънони англатаверади. Масалан, *қайши* сўзининг асл маъноси "белга тақиладиган, тасма шаклидаги белбоғ" маъносини англатади. Таом номларида ҳам *қайши* номи учрайди. Бу таом хаамири юпка ёйилиб, тасмалардек кесилади ва қайнаган сувга солиб тайёрланадиган овқат. Бу таом туппа ёки кулчатой деб ҳам номланади ва қайишқоқлиги учун шундай номланган. Хаамирли таомларда бири юпка таом номи ҳам семантик усул билан ясалган. Хаамирни юпка қилиб ёйилган турига юпка номи берилган. Таом номи ҳам шу ном асосида берилган.

Ширинлик турларидан бири *печак* ўзбек миллати тўй-маросимларида енг кўп қўлланадиган ширинлик тури. Бу сўзининг асл маъноси - чирмашиб ўсадиган гул. Ўзбекистоннинг деярли барча

---

<sup>1</sup> Икромова Н. Узбекская кулинарная лексика. Дис. канд. фил. наук. Т. 1983. 90 с.

<sup>2</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. -Тошкент, Ўқитувчи, 1989. 94 бет.

шеваларида шундай шаклли қандолат маҳсулотининг бир турини *печек* номи билан аташади. Печак асосан тўй-маракаларда кўп ишлатилади.

Семантик-синтактик усул билан ясалган таом номларини ҳосил қилишда бу соҳага тегишли бўлмаган бирор лексик birlikнинг (ўхшатишган, нисбат берилган ва ҳоказолар) номидан кейин, таом номлари кўшилиб келиб, янги ном ясалган: Масалан, хоразм вилоятининг деярли барча туманларида *чангачақ берек ёки тухум барак (баъзи жойларда жумурта барак деб ҳам юритилади)* таом номлари қўлланади. Бу таом пахта чанокқа ўхшатилиб тугилгани учун шундай номланган.

*Қўтир* сўзи асли тиббиётда қўлланилиб. "баданда пуфакчапар ҳосил қилиб. қаттиқ қичиштирадиган юкумли тери касаллиги" маъносини билдиради. Бу сўз заргарлик терминологиясида ҳам ишлатилиб. "режжага еритиб қуйилган металлнинг юзида пайдо бўлган удур-будурлар"ни англатади. Бу таом номлари гуруҳида гўшт ва тухум аралашмасидан тайёрланадиган баракнинг бир турини билдиради (*қотир барак*).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик-синтактик усул билан ясалган таом номларига така барак (шевада: така сўзи - ёстиқ маъносида), кўк барак, думбали барак, гўштли барак, қийма барак кабиларни киритишимиз мумкин. Семантик усул билан ясалган бараклар ўзбек тилида кўп учрайди.

Мазкур сўзлар тил тараққиёти ёки ундаги эволюцион тараққиёт натижасида аввалги маъносидан бошқа маъноларни англатувчи, таом номлари сифатида янгича аҳамият касб етган ва ўша нарсаларнинг номларини билдирувчи алоҳида сўзга айланган. Сўз маъносидаги яхлитлик, шаклий яхлитликка олиб келган, сўз маъносида семантик ажралиш воқеа бўлган.

Кўринадикки, ўзбек тилида семантик усул билан ясалган таом номлари кўп учрайди. Бу таом номларини лингвистик таҳлил қилиш керакли самаралар бериши шубҳасиз.

### III БОБ

#### “Таом номларининг этнолисоний таҳлили”

Маълумки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудида яшаб ўтган ўзек, козоқ, қирғиз, уйғур, туркман, қорақолпоқ, тожик халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганишдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу халқларнинг шаклланишига асос бўлган уруғлар ва уруғ бирлашмалари, уларнинг жойлашиш ўринлари, урф-одатлари, маросимлари, ҳамда лексикаси масаласидир. Ўрта Осиё худудида истиқомат қиладиган қадимги уруғ ва қабилалар (қабила бирлашмалари, массагетлар, саклар ерон манбааларида шаклар), суғдийлар, хоразмликлар ёзма манбаалардан маълум. Буни кейинг даврларда ўтказилган археологик қазилмалар, топоним ва этнонимлар, диалектологик материаллар ва қадимги ёзма ёдгорликлардаги маълумолар ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>

Тилшуносликда таом номларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида халқ маънавий ҳаёти, урф-одати, маросимлари, дунёқараши, уларнинг тайёрланиш сабаблари, ва шу асосида номларнинг пайдо бўлиш ўринлари кўплаб учрайди. Бу каби таом номлари ўзбек миллатида кўплаб тайёрланади. Таом номларидан айниқса, баҳорий таомлар халқ ҳаёти ва урф одат билан боғлиқ ҳолда азалдан тайёрланиб келинган. Бу каби таом номларига нон, сумалак, палов (ош) барак, чучвара, атала, сомса, филминди, юпқа, ҳалиса, патир, қотирма ва бошқалар киради. Бундай таом номлари халқнинг турли маросим ҳамда байрамлари билан боғлиқ ҳолда тайёрланади.

Таом номларининг пайдо бўлиши, тараққиёти, қўлланилиш доираси ва истеъмолда бўлиш даври тарихан ўзгарувчандир. Ижтимоий ҳаётнинг, халқ турмуши тарзи ва ишлаб чиқариш қуроллари, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши билан тармоқ лексикалари ҳам ўзгариб

---

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. (Ўқув қўлланма) Т.: 1995, 15 бет

боради. Айримлари бутунлай истеъмолдан чиқади, баъзилари тарихий сўзларга айланади, айримлари маълум фонетик ва маъно ўзгаришлари билан қўлланишда давом етиши мумкин. Таом ўзи нима? Қачондан бошлаб бу сўз ишлатила бошлади? Деган саволларга изоҳ бериб ўцак мақсадга мувофиқ бўлар еди. Таом сўзининг луғавий маъноси ҳақида қийдаги таърифни бериш мумкин.

Таом – арабча сўз бўлиб, таъам(ун) шаклига ега бўлиб, ўзбек тилига икти ундошини т ундошига, чўзиқ фатҳали айн товушини а товушига алмаштириб қабул қилинган. Кейинчалик, кейинг а унлиси о унлисига алмашган: таъам > таам > таом<sup>1</sup>. Ўзбек тилида бу сўз “еб ичиладиган овқат” маъносини англатади<sup>2</sup>.

Тарихий нуқтаи назардан турли халқлар урф-одатлари ва анъаналарига яқинлик, ўхшашлик асосида маълум бир таом номларининг юзага келиши учун замин ҳозирланганлиги тарихий қўлёзмалар ва манбаалар материалларида берилганлигини кўришимиз мумкин. Биз ушбу бобда таом номларини шу тарихий манбаалар асосида гуруҳларга ажратиб, лисоний хусусиятларини изоҳлаб, беришга ҳаракат қилдик. Ўзбек миллатида (умуман туркий халқларда) таомлар қадим-қадимдан тайёрланиб келинади.

### ***Халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номлари.***

Халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган миллий таом номлари шундай ранг-барангки, улар ҳар бир ҳудудда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбек халқи ҳаётидаги халқ маросимларида тайёрланадиган таом номлари ҳам хилма-хилдир. Масалан, турли тўй маросимларида: *патир*.

---

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Т.: 2003, 417 бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 2 жилд, 121 бет.

қатлама, чучвара, сомса, кўк сомса, барак, кўк барак, гўштли барк, юмуртқа барак, юмиртқа қувурдақ, сирбиринч, сузма палав, бешибармоқ, тўй нон, тўй чапчак (Ургут туманида); азаларда тайёрланадиган таом номлари: атала, ширин атала, ош (палов) чалпак, сузма (Булунгур туманида) ҳайитларда ва ис чиқаришда: қарма, бўғурсоқ, қатлама, нўхат шўрак; "Наврўз" байрамида: сумалак, кўк бичак, кўк сомса, кўк барак, патир, қозон патир (Жиззах вилоятида тайёрланади), гилминди, ҳалиса, дарвишона, (Ургут туманида ҳалиса дарвишона деб аталади) каби тайёрланадиган таом номлари ва пишириқлар киради.

Ўзбек миллатида халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган миллий таом номлари шу қадар кўпки, буни уларнинг ҳар бир туман ҳудудида ҳар хиллик касб етишидан ҳам билиш мумкин. Масалан, биргина Ўзбекистон ҳудудидаги ўзбек тиллининг ўғиз, қипчоқ, қарлуқ лаҳжалари халқи ҳаётидаги турли тўй маросимларида қўлланиладиган таом номлари, ис чиқаришда тайёрланадиган пишириқлар, Наврўз байрами, ҳайитларда, турли тўйлар, азаларда пишириладиган таом номлари бир вилоятдаги таом номлари бошқа вилоятда бошқа ном билан аталишини кўплаб учрвтиш мумкин. Ҳатто, бир тумандаги егуликлар иккинчи бир туман учун бегонадир. Жумладан, Қурбон ҳайити учун тайёрланадиган махсус таом *сарма*<sup>1</sup> (Қорақолпоғистоннинг Хўжайли, Қўнгарот туманларида) дейилада ва маросимнинг ўзи ҳам шу таом номи билан аталади. Бу таомни маҳалладошлар, ҳамқишлоқлар ҳайит билан табриклаш учун бир-бирларининг уйларига борганида тановул қилишади. Лекин бу удум Қорақолпоғистон туманларининг айрим қишлоқ жойларида оммалашгани (Хўжайли, Қўнгарот, Амударё) ҳолда, баъзи шаҳар ва туманларда кенг тарқалган емас. Қорққолпоқлар кундалик ҳаётида кўп тайёрланадиган

---

<sup>1</sup> *Қарма* - гўшт ва гуруч тенг миқдорда солиб тайёрланадиган шавланинг бир тури (қарма - шевада қормок, яъни адабий тилдаги аралаштирма сўзидан келиб чиққан). Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний туманларида у *ҳайит қарма* деб юритилади.

*сармашоқ* таом тайёрланса ҳам, бироқ бу таом ўзбек шеъваларида *шовла* деб аталади. Чунки «қарма» номи фақат Қурбон ҳайити учун махсус тайёрланадиган таомга нисбатан ишлатилади. *Қарма* таом номи Хоразм вилоятининг ҳам айрим туманларида қўлланилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонининг деярли барча туманларида наврўз байрами кенг нишонланади. Наврўз (форс. — янги кун) — шамсия (қуёш) йил ҳисобида йилнинг биринчи куни Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимги анъанавий байрами. Баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи екинларни екиш бошланган. Дастлаб, наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар ўтиши билан турли халқларда наврўз байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган.

Тарихий манбаларга кўра, наврўзни байрам қилиш *ахоманийлар* давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Ерон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Бу ўлкаларга ислом дини киритилганидан кейин наврўз байрами ман қилинган, аммо халқ ўз севган байрамини нишонлашда давом етган. Ўрта Осиё ва Ерон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан қутулган давр (ИХ—Х аср)дан бошлаб, наврўз байрамини ўтказиш яна расмий тус олган.

Қадимги паҳлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асаарида наврўз байрамининг

---

<sup>1</sup> Жуманазаров Ю. Ҳазорасп шеvasида аффиксация йўли билан от ясалиши // Ўзбек тили ва адабити, 1980, 4-сон.

пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва бошқа асарларида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида наврўзга бағишланган халқ кўшиқлари келтирилган. Ўрта осийлик тарихчи олим Абу Бакр ал-Наршахий (899—959) ўзининг «Бухоро тарихи» асарида наврўз куни Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтганини ёзган («Бухоро тарихи», Т., 1966). Ўрта Осиё ҳудудида наврўз байрами нишонланганлиги тўғрисида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ҳам бу кунни янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан кутиб олганлар. Бир неча кун илгари тайёргарлик ишлари бошланган. Бугдойни ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан *сумалак* тайёрланган, кўкат чучвара, ялпиз сомса, кўк барак, думма барак, қовоқ мантии, бугдой қувурмоч, жўхори қувурмоч, гўш қувурдоқ, каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган, баҳор ҳақида кўшиқлар куйланган. Наврўзнинг биринчи куни қишлоқ жойларида болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар ешиги олдида наврўзга бағишланган кўшиқ айтишган. Хонадон егаси уларни совға-салом ва егуликлар билан сийлаган. Болалар егуликларнинг бир қисмини қишлоқдаги бева-бечораларга улашишган. Бу удум ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларида сақланган. Наврўз янги йил байрамигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам ҳисобланган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёда ҳам Наврўз байрами ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари расм бўлган. Лекин, собиқ совет тузуми даврида (XX асрнинг 80-йиллар ўрталаридан)

асоссиз равишда Наврўз диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. Ўзбекистан ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка еришгач, бошқа қадриятлар қаторида наврўз байрами яна тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам наврўз умумхалқ байрамларидан бири сифатида кенг нишонланади, 21 март дам олиш куни деб ёшон қилинган. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, кониертлар берилади. Бир неча кун мобайнида ма-ҳаллаларда наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим, ҳалиса, кўк сомса, барак ва бошқа тансиқ таомлар пиширилади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-еҳсон ташкилотлари — меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға-саломлар улашади<sup>1</sup>. Ўзбек миллатида Наврўз байрами муносабати билан баҳорий таомлардан енг кўп тайёрланадиган нон тури патирдир. Патир асли арабча сўз бўлиб, фатир(ун) шаклига ега<sup>2</sup>. Ўзбек тилига сўзлашув тилидаги талаффузи асосида ф ундошини п ундошига, шунингдек, чўзиқ И унлисини қисқа И унлисига алмаштириб қабул қилинган (Тожиқ тилига аслига яқин фатир шаклида олинган). Бу сўз асли “нонушта қилди” маъносини англатувчи фатара феълидан ясалган аслий сифат бўлиб, “оширилмаган хамирдан тайёрланадиган нон<sup>3</sup>” маъносини англатади.

Ўзбек миллатининг урф-одатлари билан боғлиқ яна бир байрам ҳайит байрамидир. Ҳайит (араб, ийд — байрам) — мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита ҳайит расман диний байрам сифатида нишонланади: катта ҳайит ёки қурбон ҳайити (араб, ийд ал-

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Т., 2002. 268 бет.

<sup>2</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Т.: 2003, 348 бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 1 жилд, 578 бет.

кабир, ийд ал-адҳо) ва кичик ҳайит ёки рўза ҳайити (араб, ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон ҳайити ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш билан, рўза ҳайити еса рамазон ойи ниҳоясида оғиз очиш билан боғлиқ. Қурбон ҳайити ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг ўнинчи кунда, рўза ҳайити еса шаввол ойининг биринчи кунда байрам қилинади. ҳайитда масжидда ерталаб ҳайит намоз ўқиш, рўза ҳайитида фикр-садақа бериш (ҳайит намозидан олдин), қурбон ҳайитида еса қурбонлик қилиш ва шшу каби ислом билан боғлиқ маросимлар юзага келган. ҳайитдаги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари — ара-фа кунни ош улашиш, баъзи жойларда еса нўхатли шўрва қилиш, янги кийим кийиш, «ҳайитлик» бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳоказолар ҳам қўшилиб кетган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка еришгач, қурбон ҳайити ҳам, рўза ҳайити ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Ҳайит байрами муносабати билан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоят ва туманларида *нўхацҳўрак* (баъзи жойларда нўхатхўрак деб ҳам номланади) нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ таом<sup>2</sup>. Нўхатхўрак (форс. тож. — *нўхат* ва хўрак — емак) — қуюқ таом. Нўхатхўракни тайёрлаш усули: нўхат бир сутка совуқ сувда ивителиб 10 соатдан 24 соатгача салқин жойга олиб қўйилади. Сувини бир икки марта янгилаб турилади. Ивителинган нўхат тезроқ бўртиши учун озроқ чой содаси қўшилади. Ивиган нўхат қозонга солиниб, уни кўмиб турадиган даражада сув қўйилади, милдиратиб 30—35 минут қайнатилади, сувини тўкиб, копқоғини буғ чиқмайдиган қилиб жипс ёпиб, яна 20—25 минут дамланади. Юмшаган нўхат қошиқ билан езилиб, ликобларга солинади ва бетига зирапиёз, туз, қалампир сепилгач, дастурхонга тортилади. Нўхацҳўрак еса,

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: XI том, 280 бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 3 жилд, 312 бет.

аксинча суюқ таом турига киради. Бу ҳам форс тожик тилидан ўзлашган бўлиб, нўхат сўзи ўз маъносида, шўрак сўзи шўрва маъносида(шўр бўлганлиги учун) қисқартирилиб шўрак деб аталади.

Ўзбекистон ҳудудининг барча вилоятларида халқ маросимларида қўлланиладиган таом номларидан бири палов (ош) кенг тарқалган.

*майсак* (Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятининг баъзи туманларида) ҳисобланади. майиз - сўк (қовурилган тарик), сариёғ ва шаҳар аралаштирилиб истеъмол қилинадиган таом коми, Бу таом никоҳ ва бешик тўйларида тайёрланади. *Майсвют* таомн номи никоҳ тўйида келин-куёвнинг *мурундуқона*<sup>1</sup> (ўзбек шеваларида Қайнота ёки Қайнона) қиз тарафдан келган қудаларга, бешик тўйида келиннинг онаси меҳмонларга тарқатади. Бу урф-одат ва таом номи айниқса, қорақалпоқ халқи орасида кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам бу таом номи ҳудуднинг ҳамма туманларида қўлланилмай, фақат қорақалпоқлар билан ёнма-ён яшовчи туманларда мавжуд (Хўжайли, Қўнғирот).

*Майсвют* сўзи таркибидаги свут «Девони луғатит турк»да (қағут шакли ҳам бор) - янги тукқан хотинлар овқати, қовурилган тарик, ёғ ва шакарга қориб ейилади<sup>2</sup>, деб берилган. Ҳақиқатан, бу таомни ўрганилаётган ҳудудда ҳам тукқан хотинларга тайёрлаб беришади. Бироқ, бу таом номларининг ҳеч бири (қавут, қағут, мойсўк) шаклда адабий тилда учрамайди.

Қадимдан ҳозирги кунга қадар тўй ва маъракаларда меҳмон олдига сўйилган қўйнинг калласи, оёғи қайнатилиб қўйилади. Бу таом ҳудудда *каллапоча* деб номланади. Тошкентда еса бу таомни «*калла-пойча*» деб аташади. Карим Маҳмудов «Ўзбек тансиқ таомлари» китобида «калла-пойча» таомига тўхталиб, шундай дейди: «... калла-пойчани катта

<sup>1</sup> Мурундук эна, мурундук ота – қорақалпоқларда келин-куёвнинг тутинган ота-онаси ҳисобланади.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девони луғатит турк. Уч жилдлик. I-том. Тошкент, 1960. 178-385-бетлар.

йиғинларда меҳмонлар орасида энг ҳурматли ва мўтабар киши олдига кўйиб, шу орқали бошқа меҳмонларга ҳам еътибор қилинади. Азиз меҳмон, оқсоқол шахе калла ва пойча гўштларини аввало ўзи татиб кўриб, кейин ўтирганларнинг барчасига улашган. Ҳозир бу одат ўзбекларда унутилган ҳисобланади, аммо қирғиз ва қозоқ меҳмоннавозлигида энг муҳим удум шу»<sup>1</sup>. Лекин бу удум ва таом Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбек халқи тўй ва маъракаларида ҳозирги кунгача қўлланилиб келмоқда. Бу удум ва таомнинг унутилмаганлигига сабаб, Қорақалпоғистонда ўзбек халқи қорақалпоқ, қозоқ халқлари билан ёнма-ён яшашидир.

Тўш - янги сўйилган қўйнинг кўкрак тўшидан тайёрланадиган таом номи. Бу таомни никоҳ тўйида қизнинг ота-онаси куёв дастурхонига сийлов сифатида тайёрлаб, янгалари орқали юборишади. Куёв ва унинг жўралари бу таомни тановул қилишиб, кейин пул ташлашади. Бу удум «куёв тавоқ» деб аталиб, қадимдан ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудудида номи фақат халқ маросимида қўлланиладиган таом номларидан бири *сарашиди*. *Қараши* «боқмоқ, қарамоқ» маъносида эмас, балки «қара аш>қараш> қараш» (қора+ош) икки компонентам сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлган қўшма сўздир. *Қараши* таом номида «қора» сўзи мотам белгисини билдиради. Бу маросимда қандай таом тайёрланмасин (*палов, шўрва*), *қараши* номи билан аталади.

Бундан ташқари, ҳудудда яшовчи ўзбек халқи маросимларида ва кундалик ҳаётида қўлланиладиган таом номларига қуйидагилар киради:

*юмурта қовурдақ* (тухум қовурма) айрим туманларда кўзи ёриган аёлни кўргани борган қариндошлар-уруғлари, қўшнилари *тухум қовурдақ* ва пишмаган тухум олиб боришади. Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл

---

<sup>1</sup> Махмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. Тошкент, 1989.102-бет.

туманида яшовчи ўзбеклар бешик тўйида *юмурта қовурдақ* тайёрлашади. Лекин бу одат бошқа ўзбек туманларига хос эмас.

*Гўшт барак* – бу таом ҳам маросим таом номи ҳисобланиб, Самарқанд ҳудуддаги айрим туманларида суннат тўй ўтказишдан икки-уч кун олдин, маҳалланинг муллалари ва катталари чақирилиб, шу куни «*гўшт барак*» тайёрланади (Ургут тумани). Никоҳ тўйи куни қиз янгалари бир челақ «барак» тайёрлаб олиб келадилар. Бу бараклар куёв ва унинг жўраларига едирилади. Бу таомни «куёв барак» деб ҳам номлашади. Бу одат Қорақолпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний, Елликқалъа туманларига хос. Никоҳ тўйининг ертасига ёки икки-уч кундан кейин келин уй юмушларига араллашиб кетиши учун “супра қокди” удуми ўтказилади. Бу удумда қизнинг қайнонаси ёки янгалари келинга хамир қилдиради ва бирон-бир хамирли таом тайёрлашади (Ургут, Тайлоқ туманларида) бу удум Қорақолпоқ ҳамда Хоразм вилоятларида «иш буюрма» деб номланади. Бу куни қизнинг янгалари «гўшт барак» олиб келишади.

*Қирмич (қирмоч,)* Никоҳ тўйидан олдин «улкан дастурхон» маросимида йигит тарафдан келганлар алоҳида бир тоғорада олиб борадилар. Куёв томон қирмични тоғораси билан олиб қолиб, йигитнинг қариндошларга «уй кўриш» кунини айтиб юборишади.

*Қирмич* солиниб келган тоғорага қизнинг амма-ю холалари яна алоҳида *қирмич* тайёрлаб, йигитга аталган дўпии, чопон, оёқ кийим, кўйлақлар билан «уй кўриш»га боришади.

*Сутбурунч (сутпапов, сутгуруч):* - сут ва гуручдан тайёрланадиган таом номи. Адабий тилда *ширгуруч* деб номланади. Хўжайли, Қўнғирот туманларида *сутпапов* ёки *сутгуруч*, Тўрткўл, Елликқалъа, Беруний туманларида *сутбурунч* номи билан аталади. *Сутбурунч* Хоразмга яқин туманларда (Тўрткўл, Елликқалъа, Беруний) «куёв чақиришма» маросимида кўп тайёрланади. Тайёрланган таом, куёв ва унинг ўртоқлари

томонидан еб бўлгандан кейин лаганга пул ташлайдилар. Бу таом “Пайғамбар ёши” маросимида ҳам тайёрланади (Хўжайли, Қўнғирот, Тўрткўл).

*Чалпак//Сузма//пассис* - аза куни жанозадан олдин (сони бўлмайди, лекин тоқ бўлиши керак) тайёрланадуи. Иккинчи куни тўққиз дона, учинчи куни етти дона, шу тариқа ертасигача давом этади. Еттисида бир дона *поссис* тайёрланади<sup>1</sup>.

Шунинг билан бирга, Ўзбекистон ҳудудда яшовчи ўзбек халқи айрим халқ расм-русум номларини таом номлари билан боғлаб аташади. Масалан, “совчи патир”, “тўққиз қатлама”, “нон синдириш”, “нон ёпар”, “тош қада”, “куёв барак”, “хайит қарма” каби турли-туман маросим ва расм-русмлар билан боғлиқ таомлар тайёрланади.

Худди шундай халқ расм-русмлари билан боғлиқ таом номларидан бири атала. *Атала* буғдой, арпа ёки жўхори унидан тайёрланадиган таом. Бу таом номи қадимдан тайёрланиб келинади. Атала парҳез, шифобахш таом ҳисобланади. Касал, ҳолдан тойганда, янги кўзи ёриган аёлларга атала тайёрлаб ичирилади. Уни тайёрлаш учун кўй ёғини қозонда киздириб, буғдой уни солинади ва қизаргунча қовурилади. Оз-оздан сув солиниб узлуксиз аралаштириб турилади. Айрим жойларда аталага қийма, тухум ҳам солинади (Ургут туманида). Атала тайёрлашда 500 грамм ун, 100 грамм кўй ёғи, таъбга кўра туз ва сув солинади.

Урф-одат биилан боғлиқ ҳолда тайёрланадиган таом номларидан яна бири ақида деб аталади. Ақида асосан, янги туғилган болага (чақалокқа) атаб қилинадиган маросим бўлиб, таом номи ҳам шу маросим номидан келиб чиққан. Ақида Ўзбекистоннинг баъзи вилоятларида хусусан, Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида кўп тайёрланади.

---

<sup>1</sup> Худаярова М. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили (Қорақолпоғистон худуди материаллари асосида) фил. фан. ном. автореф. – Т, 2008, 13 бет.

Шунингдек, ўзбек миллатида бешик тўйи билан боғлиқ таом номлари ҳам тайёрланади. Бешик тўйи Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар оиласида тўнғич фарзанд туғилиши шарафига ўтказиладиган тантанали маросим. Бу удум Ўзбекистон вилоятларида ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Бешик чақалоқнинг она қариндошлари—бобоси, бувиси, тоға ва холалари томонидан қилинади. Бешик удуми билан боғлиқ чақалоққа керакли барча буюмлар тайёрланади. Дастурхонга нон, патир, қатлама, сомса ва анвойи ширинликлар тортилади. Туғилган болага атаб алоҳида таомлар пиширилган ва унга яна ҳозирги кунда ўйинчоқлар ҳам қўшилган.

Меҳмонлар кутиб олинганда, ниятлари оқ бўлиши, болага бахт тилаш рамзи сифатида уларнинг юзларига оқ ун суриб қабул қилинган. Шу вақтнинг ўзида бошқа хонада доя буви бошчилигида барча ирим-сиримлар ижро этилиб, чақалоқни бешикка белаш маросими (одатда, болани бешикка кўп болали аёл белаган) ўтказилган. Бешик тўйи шарофати билан турли хил таомлар тайёрланади. Жумладан, ош, атала, палов, ақида, қатиқли ош ва ҳоказо.

Маросим охирида яқин қариндошлар чақалоқ ҳузурига, юз кўрарга кириб совға бериб, бешик устига ширинлик сочиб бахт тилаб чиқиб кетадилар.

Маълум бўладики, маросимлар билан боғлиқ таом номларини ўрганиш, Ўзбекистон ҳудудда яшовчи халқнинг миллий урф-одатларини, расм-русумларини, кадриятларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради.

Худди шундай ўзбеклар орасида расм бўлган миллий таом турларидан бири палов баъзи жойларда ош деб ҳам юритилади. Палов қадимдан Орта Осиёнинг ҳар қандай тўй, сайл, байрам ва меҳмондорчиликларида тайёрланиб келинган.

Палов тайёрлаш ўзбеклар ўртасида, айниқса, еркаклар (йигитларга) хос фазилат ҳисобланади. Қадимда паловни турли маросимларда тайёрланганлигини “Бобурнома” асари орқали кўришимиз мумкин.

"Бобурнома"даги айрим таом номлари халқ турмуш тарзи, дунёқараши борасида яққол тасаввур уйғотади. Бобур Кобул (ҳижрий тўққиз юз йигирма бешинчи йил) воқеаларини тасвирлар экан, қуйидагича ёзади: *“Ўша ерда йилқирон ошини торттурулди”*<sup>1</sup>.

Ушбу жумладаги йилқирон оши — "вабо, ўлат йилларида қилинадиган худойи ош" маъносини ифодалаган йил ва қирон компонентларидан иборат. Йилқирон қўшма сўзи "қирон келган йил" тушунчасини ифодалайди, бу сўз ески ўзбек адабий тилидаги бошқа манбаларда кузатилмайди. Сўз таркибидаги қирон сўзи "ўлат, ют(?) ва жанг натижасидаги қирғин" маъносида изоҳланган. Қирон - *"кўплаб, ёппасига қириш"* маъносидаги сўз бўлиб, ески ўзбек тилидаги *қыр* феълининг «ёппасига ўлдирмоқ» маъносидан -(а)н қўшимчаси орқали ясалган. Йилқирон оши, даставвал, вабо, ўлат йилларида қилинган ва халқнинг шу балолардан халос бўлиш умидини ифода етган. Кейинчалик, бало ёки қирон(нинг) келишидан сақлашни сўраш маросимига айланган ("Бобурнома"да шу маънода қўлланган).

Кўринадикки, қадимги ва ески ёзма ёдгорликларда берилган таом номлари билан ҳозирги ўзбек шеваларида қўлланадиган таом номлари ва бу номларнинг маънолари ўртасида бир мунча фарқлар бор. Кўп йиллик давр ичида таом номларининг такомиллашиб борганини кўрамиз. Бу такомиллашиш тилнинг ички тараққиёти асосида ва халқ ҳаёти, турмуш-тарзи, урф одатлари ва маросимлари шунингдек, бошқа тилларнинг таъсири остида рўёбга чиққанлигини кўрамиз.

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: 1985. – 291 бет.

## Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўзбек тилида таом номларининг шаклланиши, қадимги туркий луғатларда қайд етилган таом номлари ҳозирги ўзбек адабий тилида бирмунча яхшироқ сақланиб қолган. Ёзма ёдгорликлар тилидаги баъзи таом номларида маъно жиҳатдан торайиш, кенгайиш каби омиллар учрайдики, бу ҳодисалар жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбек тилидаги таом номларининг асосий қисмини умумтуркий таом номлари ташкил қилади. Шунингдек, луғат бойлигида ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳамда айрим лаҳжаларда учрамайдиган, аммо ёзма ёдгорликлар тилида учровчи бир қатор таом номлари ҳам мавжуд. Бу қатлам тарихан барқарор ва кам ўзгарувчанлиги билан ҳам характерлидир. Қадимги ва ески туркий ёзма ёдгорликлардаги таом номлари билан ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган таом номларни қиёслар еканмиз, кўп йиллик давр ичида таом номлари такомиллашиб борганини кузатамиз. Бу такомиллашиш натижасида тилнинг ички тараққиёт қонуниятлари асосида ва бошқа тилларнинг таъсири остида рўёбга чиқади. Айниқса, араб, форс-тожик, рус ва бошқа тиллардан ўзлаштан таом номлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Таом номларининг пайдо бўлиши, тараққиёти, қўлланилиш доираси ва истеъмолда бўлиш даври тарихан ўзгарувчанлигига гувоҳ бўламиз. Ижтимоий ҳаётнинг, халқ турмуши тарзи ва ишлаб чиқариш қуроллари, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши билан тармоқ лексикалари ҳам доимий ўзгариб боради. Айримлари бутунлай истеъмолдан чиқади, баъзилари тарихий сўзларга айланади, аммо айримларигина маълум фонетик ва маъно ўзгаришлари билан қўлланишда давом етиши мумкин.

Таом номларининг лексик-семантик гуруҳларини кузатганимизда ўз ичида хилма-хил турларга ва кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ўша таом

номларининг қандай маҳсулотдан тайёрланиши ва мўлжалланишига кўра каби хусусиятларидан келиб чиққан деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбек тилидаги таом номларининг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида, уларнинг фонетик, вариантлилик ходисалари, шунингдек, маъно фарқлари аниқланди. Тўпланган таом номларининг таркиби ва маъноларига қараб айтиш мумкинки, уларнинг кўпчилиги умумхалқ тили воситасида юзага келган. Айримларининг асосий маъносини фақат етимологик таҳлиллар орқали билиш мумкин.

Тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўзбек тилшунослигида морфологик усул билан ясалган таом номлари орасида форс-тожик тили таъсирида ясалган таом номлари Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё воҳаларида кўп учрайди. Қорақолпоғистон ҳамда Хоразмда форс-тожик тили таъсирида ясалган таом номлари деярли учрамади. Таом номларининг ясалишида синтактик усулда ясалган таом номлари нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Таом номларининг қанча сўздан ташкил топиши, боғланиш усуллари, компонентлари орасидаги муносабатлар ранг-баранг бўлиб, ўзбек тилида сўзларнинг боғланиши қонуниятларини тўла акс еттиради. Ўзбек тилидаги таом номларининг баъзилари тилимизда ишлатилиб келаётган лексемалар маъноларини кўчириш йўли билан ҳосил қилинган.

Таом номларини етнолингвистик таҳлил қилиш ўзбек тилини лексик тизимини, унинг шеваларга хос луғат захирасини, бир тилли, икки тилли, изоҳли, регионал, етимологик луғатлар, оилй ва ўрта махсус ўқув юртларида лексикологияни ўқитишда, қўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдасланиш мумкин.

Таом номларини луғатларини тузишда зарур изоҳли материаллар билан таъминлашда катта аҳамиятга ега. Бу еса ўз ўрнида узоқ тарихий даврлар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб

келәйтган халқ оғзаки ижоди асарларидаги етник воқеликни авлодларнинг идрок етишида енгиллик яратиш учун хизмат қилади.

## ИЛОВА

**Атала** – унни ёғда қовуриб, кейин сув билан қайнатиб тайёрланадиган енгил ҳазм қилинадиган қуюқ овқат.

**Айрон** – қаттиқа сув аралаштириб тайёрланадиган ичимлик.

**Бўтқа** – бир неча тур донни қайнатиб пиширилган қуюқ овқат.

**Дўлма** – ток, карам баргининг қийма билан тўлдириб ўраб пишириладиган овқат.

**Юпқа** – хамирни юпқа ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пишириб, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўртбурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган овқат номи.

**Лағмон** (хитойча «ла мян» — чўзилган хамир) — пишитилган хамир чилвир қилиб чўзилиб тайёрланадиган таом.

**Манти** (хитойча мян — хамир, ти — гўшт) — хамир таом маъносини англатади<sup>1</sup>. Гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган таом номи.

**Мураббо** — хўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик.

**Нон** — қадим-қадимдан улуғланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас, азиз ҳисобланган неъмат.

**Патир** — араб тилидан ўзлашган бўлиб, оширилмаган, кўпчитилмаган нон тури.

**Угра** – юпқа ёйилган хамирни 3-4 см узунликда жуда енсиз кесиб тайёрланадиган суюқ овқат тури.

**Ушоқ** – ноннинг майда увоқлари.

**Чалпак** – хамирни юпқа ёйиб ёғда пишириладиган овқат.

**Шўрва** — ҳар хил сабзаводлар ва гўшtdан тайёрланадиган суюқ овқат тури.

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: 2006, 3 жилд, 122 бет.

**Қатик** – қайнатилган илиқ сутга қатикдан томизғи солиб тайёрланадиган маҳсулот. Бу от қадимги туркий тилда қат– феълидан –(и)қ қўшимчаси билан ясалган.

**Қаз**и – отнинг гўштини йўғон ичакка солиб тайёрланадиган таом номи.

**Қайла** – майда тўғралган гўшт ва сабзавотни қовуриб тайёрланадиган, куюқ овқатга (Самарқанд вилоятининг баъзи туманларида суюқ овқат (Қатикли ош) таркибига солиб истемол қилинадиган таом номи.

**Қатлама** – юпқа ёйилган хамирни ёғда пишириб тайёрланган нон тури.

**Қимиз** – бия сутини чайқатиш, шопириш билан тайёрланадиган шифобахш ичимлик.

**Қийма** – майин қилиб чопилган ёки гўштчопқичдан ўтказилган гўшт.

**Қимрон** – туя сутидан тайёрланадиган қимиз.

**Қотирма//қатирма** – оширилмаган (ачитилмаган) хамирдан қозонда ёғсиз пишириладиган юпқа нон тури.

**Қурут** – сузмани юмалоқ шаклда қуришиб тайёрланадиган ўзбекларда кўп истемол қилинадиган асосан шўр сут маҳсулоти сирасига кирувчи маҳсулот номи.

**Қуртова, қуртоба** — қурутни қайнаган сувда езиб, айронни қайнатиб тайёрланадиган парҳез тансиқ таом.

## Фойдаланилган адабийотлар рўйхати

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 439 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-173 б.
3. Каримов И. Миллий истиклол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 32 б.

### III. Илмий-назарий адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. – Тошкент: Фан, 1983- 1985.
2. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан.- Тошкент: Ўзбекистон, 1994.– 120 б.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. - Тошкент: Фан, 1985. - 157 б.
4. Бегалиев Н. Ўзбек этнонимлари тарихидан. - Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2004. - 92 б.
5. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент: Фан, 1985.-200 б.
6. Заҳрирдиг Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Тошкент, Юлдузча, 1985. - 368 б.
7. Валиев М.Н. Самарканд вилоят шеvasи лексикасидан кузатишлар // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва лексикологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами) - Самарканд, СамДУ нашри, 1979. - Б. 22-42.
8. Дониёров Х. Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси.- Самарканд: СамДУ нашри, 1985.
9. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005.
10. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 320 б.

11. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005.
12. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 81-82.
13. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндошув. - Тошкент: Фан, 2007.-152 б.
14. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). ДДА. - Тошкент, 1999. - 61 б.
15. Маматов Н. Этимологик мураккаб сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1978, №1.- Б. 7-11.
16. Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении (западнокыпчакская группа). -М.: Наука, 1975. - 360 с.
17. Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. - М.: Наука, 1984. - 232 с.
18. Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. - Тошкент, Фан, 1972. - Б. 30-31.
19. Маҳмудов К. Ўзбек таомлари. – Тошкент, Фан, 1960. 396 б.
20. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. - Тошкент, Ўқитувчи, 1995.-127 б.
21. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.-240 б.
22. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
23. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Қарши: Қарши ДУ наشري, 2004. 170 б.
24. Номинханов Ц.Д. Термины родства в тюркомонгольских языках // Вопросы истории и диалектологии казахского языка, вып. 1. - Алма-Ата, 1958. - С. 46-64.
25. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналайшлари. - Андижон, 2006. - Б. 155-163.
26. Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-24 б.
27. Икрамова Н.М. Узбекская кулинарная лексика: Дис. канд. филол.наук. -Ташкент, 1983.-168 с.
28. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1996.-48 бет.

29. Умуркулов Б. Сўз танлаш санъати. -Тошкент, Фан, 1985. - 28 б.
30. Усмонов Қ. Айрим ўзакдош сўзларнинг этимологиясига доир // Тилшунослик масалалари (илмий мақрлалар тўплами) - Самарқанд, 2005. - Б. 24-30.
31. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тили шеваларининг лесик составини ўрганиш масалалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. - 1958, № 2. - Б. 29-32.
32. Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958, № 1.-Б. 31-33.
33. Юнусова З.Қ. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (самовий ёритгичлар луғавий гуруҳи асосида). НДА. - Тошкент, 2005.-22 б.
34. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. -Тошкент: Фан, 1980. - 164 б..
35. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. -Тошкент, Ўқитувчи, 1989. 102 б.
36. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. - Тошкент: Уз ФА нашриёти, 1963. - 74 б.
38. К.Маҳмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1989. – 280 бет.
39. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. Ўқитувчи, 1980, 398 бет.
40. Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991.
41. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент: Университет, 2002.
42. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. – Тошкент: Университет, 2001.
43. Ражабов Н. Ўзбек халқ шеваларининг адабий тилга сингиб бориши.- Самарқанд: СамДУ нашри, 1977.
44. Турсунов У., Ўринбоев Б. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи.- Самарқанд: СамДУ нашри, 1968.
45. Санақулов У. Ўзбек халқининг ҳамда тилининг таркиб топиши ва номланиши.- Самарқанд: СамДПИ нашри, 1991.
46. Саффуллаев Р., Менглиев Б., Курбонова М., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет, 2005.

47. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг таракқиёт босқичлари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
48. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили.- Тошкент: Университет, 2006.
49. Қудратов Т., Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. – Тошкент, 1981.
50. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 264 б.

### **ИИИ. Луғатлар:**

51. Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. - 676 с.
52. Егоров В.Г. Этимологический словарь чувашского языка. - М., 1964. - 163 с.
53. Маҳмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. Индекс луғат. -Тошкент; Фан, 1967. -550 б.
54. Маҳмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том. - Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960. - 499 б.
55. Маҳмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 2-том. - Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961. - 422 б.
56. Маҳмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3-том. - Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1963. - 466 б.
57. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). -Тошкент, "Университет" нашриёти, 2000, - 600 б.
58. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). -Тошкент, "Университет" нашриёти, 2003, - 600 б.
59. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. -М., Наука, 1974.-С. 43-54.
60. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент: 2002. - 168 б.
61. Менглиев Б., Баҳриддинова Б., Холиёров Ў., Зарипова М., Хушвақтов М. Ўзбек тилининг сўз ясашиши ўқув луғати. –Т.: Янги аср авлоди, 2008.
62. Умаров Э. ХП асрнинг ноёб луғати (“Муқаддаматул-адаб” асари ҳақида) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2003 йил, 17 октябрь.
63. Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент, 1992.

64. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, IV, VI, IX, XI жилдлар, 2001.
65. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 1-том, М.: 1981. - 632 б.
66. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 2-том, М.: 1981.-7156.
67. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
68. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 2-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
69. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 3-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
70. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 4-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
71. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 5-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
72. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 6-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
73. [www.Гoogle.уз](http://www.Гoogle.уз), [www.пазанда.уз](http://www.пазанда.уз)